

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд Давлат

Архитектура - Курилиш Институти

“Курилишни бошқариш” факультети

“Касбий таълим” кафедраси



Битирув малакавий ишининг

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

**Мавзу: Олти киррали миллий курси ишлаш ва уни уқитиш
услуги.**

Кафедра мудири: доц. Рахимов А.Қ.

Раҳбар: Ибрагимов Д.Т.

Бажарди: 402-КТ(с) гуруҳи

талабаси Джалилова Дилафруз

Самарқанд 2014 йил.

Мундарижа

№	Булимлар	саҳифа
I.	Кириш	1 - 6
II.	Мавзуни асослаш	...
	А) Ёғоч уймакорлиги санъати тарихи ва мактаблари.	7 - 14
	Б) Тошкент бадиий ёғоч уймакорлиги мактаби устаси Максуд Косимов фаолияти.	15 - 24
	В) Накш композициясини тузиш ва улардаги рамзийлик.	25 - 43
III.	Ижодий жараён	...
	А) Укув – услубий қисми	44 - 77
	Б) Курсини яшаш технологик жараёни	78 - 88
IV.	Ҳаётий фаолият хавфсизлиги	89 - 93
V.	Атроф муҳит муҳофазаси	94 -104
VI.	Иловалар	105-110
VII.	Хулоса	111-114
VIII.	Фойдаланилган адабиётлар	115-116

Кириш.

Кириш.

“Жамиятимиз иқтисодий, техникавий, маданий ва маънавий жиҳатлардан қанчалик ижобий ўзгаришларни бошидан кечираётган бир пайтда, бой ва серқирра маданий меросимизни ҳар томонлама илмий тадқиқ этиш жараёнида ҳам шунчалик чуқур ва мазмундор ишлар амалга оширилиши зарурлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Зеро ўтмишга муносабат келажакка муносабатни белгилашдир. Келажак олдидаги бурчимизни қай даражада ҳалол ўташимиз ана шу муносабатлар муштараклигини тўла таъминлаш билан чамбарчас боғлиқлигини унутмаслигимиз лозим. Ана шундай йўналишлардан бири, бу ота - боболаримиз меросини кўз қорачиғимиздек сақлаш, уларни авайлаб - асраш, келгуси авлодларга бус - бутун етказиш, моддий маданиятимизнинг ажойиб намуналари тарзида нафақат ўз халқимизга, балки жаҳон халқларига ҳам машҳур қилишдир.”

Ислом Каримов.

Ўзбек халқининг кўп асрлик тарихида халқ амалий безак санъати турлари бой ва ранг-баранг маданий меросимизнинг энг ажойиб ва оммавий қисмини ташкил этади. Ўзбек диёрида вужудга келиб гуллаб-яшнаган санъат турлари бемисл ва бетакрорлиги билан дунёга машҳур. Бундай камолот ва тараққиёт босқичлари ҳақида фикр юритадиган бўлсак, ўзбек амалий безак санъати турларининг шох илдизлари инсониятнинг болалиги, яъни ибтидоий жамиятга бориб тақалишининг гувоҳи бўламиз.

Ўлкамиз заминидаги тарих қатламларини қазилар натижасида топилган ёдгорликларнинг гувоҳлик беришича, инсоннинг жисмга бадиий ишлов бериши усулида буюм яратиш фаолияти тош асридаёқ бошланган бўлиб, асрлар оша ҳозиргача узлуксиз давом этиб келмоқда.

Инсон онгли фаолиятининг ажралмас қисми бўлмиш бадиий тафаккур ва шунга мувофиқ бадиий ижодий фаолият инсониятнинг тарихий тараққиёти жараёнида жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Бундай фаолият

натижасида келиб чиқадиган эстетик бадий идрок қобилияти кишиларда оламни, ундаги мавжудотлар, нарсалар ва воқеа-ҳодисаларни, атроф муҳитдаги шакллар ва рангларни турфа шакл-шамоилда қайтадан акс эттиришга ҳавас уйғотади. Шакл ва рангларнинг реал ҳамда стиллаштирилган тасвирларини яратиш шу тариқа келиб чиқди ва у, ўз навбатида, одамларнинг кундалик турмушларидан ўрин ола бошлади. Натижада бадий безакларнинг хилма-хил шакллари ва турлари пайдо бўлди. Ўзбекистон ва умуман Ўрта Осиё халқларининг бизгача етиб келган санъат асарлари орасида нақшлар асосида яратилган бадий асарлар алоҳида кўп сонни ташкил этади. Бошқа санъатларга нисбатан бундай нақшли безаклар кўплигининг ва такомил топганлигининг муайян тарихий сабаблари бор. Халқ амалий безак санъати кишиларнинг маънавий оламини бойитади, бадий дидини шакллантиради, руҳиятини тарбиялайди. Шунинг учун ҳам ўзбек халқ амалий санъати кишиларни бадий, ахлоқий, умуминсоний тарбиялаб, уларнинг илмий дунёқарашларини шакллантиришда ҳамда маданий даражасини юксалтиришда энг зарур манбалардан бири ҳисобланади.

Диплом лойиҳаси мавзусининг долзарблиги. Маълумки, мавжуд барча санъат турлари ўз ўқувчисига, тингловчисига ёки томошабинга ўтказадиган бадий, ҳиссий, руҳий таъсири орқали билим беради ва тарбиялайди. Шу ўринда амалий безак санъати турларининг фазилатлари жуда ҳам ўзига хос бўлиб, уларни бошқа ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди. Яъни, бундай санъат асарлари айтишда ҳам бадий, ҳам амалий вазифаларни бажара олиши уларнинг халқ орасида кенг тарқалишига сабаб бўлган. Яқин ўтмишда ўзбек амалий безак санъатининг турларининг ўзига хос бажариш технологиялари, ҳақиқий миллий номлари, уларга хос атамалар, бу санъатларга хос мактаблар, услублар ҳамда шу соҳаларда ном қозонган усталарнинг хизматлари унута борилиб, йўқолиб кетиш хавфи остида қолган эди.

Бундай ҳолат ҳозирги кунда санъаткорлар, халқ усталари, муаллимлар ва санъат ҳаваскорлари олдига амалий безак санъатини сақлаб қолиш, уларни ҳар томонлама ўрганиш ва ривожлантириш, ёш авлодга санъат сир асрорларини ўргатиш орқали ўринбосарлар тайёрлаш санъат асарларини кенг тарғиб қилиш орқали жамоатчиликнинг эстетик дидини, маданий даражасини янада юқори босқичга кўтарилишига эришиш вазифаларини қўяди. Бу мақсадлар йўлида олиб бориладиган изланишлар халқ усталари, санъаткорлар учун энг қулай шарт-шароитлар яратиш, ёшларнинг бадиий таълим олишлари, санъатларни эгаллашларини ташкил этиш ва тўғри илмий-методик йўналишда олиб бориш, санъаткор педагоглар тайёрлашни йўлга қўйиш, тегишли илмий тадқиқотларни олиб боришдан иборат бўлиши керак.

Касб – ҳунар ёки миллий ҳунармандчиликнинг бугунги аҳамияти уларга бўлган қизиқиш ва ўрганишдан маълум маънода ўз аксини топган. Замонавий маданий тараққиётнинг ҳозирги палласида халқимизнинг ўз ўтмиши ва тарихини чуқур ўрганишга бўлган қизиқиши ортиб бормоқда. Ўзбек халқи бошқа халқлар қатори ўзининг бой маданиятини, халқпарвар анъаналарини, ўзлигини англаш ва ҳис этиш жараёнини бошидан кечирмоқда. Маданий меросимиз ва амалий санъатимиз дурдоналарини ўрганиб, уни бугун, эртанги кунимиз учун хизмат қилдиришдек олижаноб ишда ўз аксланмоқда. Эндиликда биз миллий тарихимиз, ҳамда амалий санъатимизнинг ривожланиш тарихини ўрганиш ва рўёбга чиқаришимиз учун изланиш ва имкониятлар даврига ўтдик.

Бу соҳадаги ишлар орасида бадиий ёғоч ўймакорлиги санъатининг ўтмишдан бизга мерос бўлиб қолган айрим қирраларини, жумладан, ўтган даврлар мобайнида сермахсул ижод қилган, ўзидан улкан маънавий, эстетик руҳдаги мерос қолдирган баъзи бир амалий санъат усталари ҳақида фикр юритсак муболаға бўлмайди.

**Мавзун
асослаш.**

Ёғоч ўймакорлиги санъати тарихи

Бадий ёғоч ўймакорлиги санъати тарихи ҳақида умумий маълумот. Ёғоч ўймакорлиги санъатининг ривожланиш босқичлари. А.Темур даврида ёғоч ўймакорлигининг ривожланиш.

Ёғоч ўймакорлиги ўзбек халқ амалий безак санъатининг кенг тарқалган бир тури. Бунда бирор нақш ёки тасвир тахта ёки ёғоч буюмга чизиб, кесиб, ўйиб ишланади. Бадий санъатнинг бу тури деярли барча халқларда мавжуд бўлиб, қадимда Шарқда, шунингдек, антик дунё мамлакатлари меъморчилигида ҳам кенг ишлатилган. Асрлар давомида Европа ва Осиё мамлакатларида ёғоч ўймакорлиги янада ривожланиб бориб, унинг ўзига хос бадий услублари юзага келган. Шу сингари Ўрта Осиёда ҳам ёғоч ўймакорлиги санъати қадимдан ривожланиб, кишиларнинг уй-рўзғор буюмларида ва бинокорлик ишларида жуда кенг қўлланилган. Ўймакорлик санъатидан эшик, дераза устунлари (ҳар хил тўсинларини) ҳамда стол, хонтахта, қутича, рамка, қаламдон, турли шаклдаги курсилар ва бошқа буюмларни безашда фойдаланиб келинган. Қадимшунос олимларимизнинг изланишларидан маълум бўлишича, Ўрта Осиёда қадимдан горельефли, яъни жуда бўртиқ (1 мм дан 20 мм гача) рельефлар билан ҳар хил нарсаларни ёғочдан ўйиб ишлатилган. Халқимиз яратган асарлар ўзининг нафосати, мураккаблиги, табиийлиги билан киши ақлини лол қолдиради. Афсуски, ёғочдан ишланган ажойиб ёғоч ўймакорлиги намуналарига ҳар қанча сифатли ишлов берилган бўлишига қарамай, асрлар ўтиши билан намга дош бера олмай, деярли кўпчилиги чириб, йўқ бўлиб кетган. Буларни археологик қазилмаларда топилган ва топилаётган топилмалар исботлаб турибди.

Х—ХІІІ асрларда яратилган ёғоч ўймакорлиги намуналари Сурхондарё воҳасидаги Юмалоқтепа тубидан топилган. Олимларимизнинг аниқлашича, бундан 1 — 1,5 минг йил муқаддам мазкур жойда нақш ўймакорлиги санъати жуда яхши ривожланган. Бундай ноёб топилмалар Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарлардаги археологик қазилмаларда ҳам топилган.

«... араблар Марказий Осиёни забт этгунларига қадар маҳаллий халқ маъбудалари топилган. Ҳар бир хонадоннинг жамоада тутган ўрни ва бойлигига қараб ўз маъбудаси (худоси) бўлган. Одатда, бу маъбуда эшик тепасига қўйилган. Хонадон соҳиби мавриди билан ёғочдан ўйилган янги маъбудани харид қилиб, алмаштириб турган. Араблар истилоси оқибатида тасвирий санъатнинг кўп турлари қатори ёғоч ҳайкалларни ишлаш ҳам буткул барҳам топди. Бироқ ислом дини бу санъатнинг бошқа шаклда ривожланишига сабаб бўлди. Ёғоч тарошловчи уста наққошлар ўз санъатларини ёғочда дов-дарахтларнинг аксини ифодалаш, оддий чизиқлардан мураккаб геометрик нақшлар ясашда намойиш этдилар. Усталарнинг санъати отадан — болага, авлоддан - авлодга мерос бўлиб ўтаверади».

IX—X асрда Марказий Осиёда, шунингдек республикамиз ҳудудида маданият ўса бошлади. IX асрда Самарқанд мустақил давлат бўлиб қолди. Халқ маданиятида янги бурилиш юз беради. Шу асрларда буюк олимлар, файласуфлар, мутафаккирлар етишиб чиқдилар. Улар Абу АХ ибн Сино, Рудакий, Фирдавсий, Беруний ва бошқалардир. Бу даврда ажойиб меъморий ёдгорликлар ҳам яратилди. Масалан, жаҳонга машҳур Исмоил Сомоний мақбараси шундай иншоотлардан биридир. Маданиятнинг юксалиши ёғоч ўймакорлигининг янада ривожланишига олиб келади. Ёғоч ўймакорлиги билан ешиklar, бинолар, устун, равоқ ва ҳар хил хонтахталар безатилди. Ўймакор усталар яратган санъат асарларида тимсол ва дуо-афсунлар, тасбеҳ ва таносибларнинг нақадар кўплигии кўриш мумкин. Ҳар бир ўйма нақш заминида қандайдир рамзий маъно яширинган бўлади.

XII—XIII асрларда халқ амалий санъати янада гуркираб ривожланди.

Мураккаб нақш тури бўлган геометрик нақш, яъни гириҳ нақши безакда етакчи ўринни егаллайди. Масалан, XIII асрга олд ёғоч ўймакорлиги намунаси Самарқанддаги Шоҳизинда деворининг орасидан топилган бўлиб, у ўзининг бадий нафис ва табиий ишланганлиги билан кишини лол қолдиради. XIII асрнинг охиригача маҳаллий ўзбек халқи ичида ёғоч ўймакорлик ҳунари жуда тез суръатлар билан ривожланган эди.

XIII асрда Чингизхон босқини туфайли минтақада маданий ҳаёт издан чиқди. 1219—1221-йилларда Бухоро, Самарқанд, Урганч, Балх, Мавр шаҳарлари остин-устун қилиб ташланди.

XIV асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳр Амир Темур бошчилигида бирлаштирилди. Амир Темур ва темурийлар даврида санъатнинг барча турлари қатори халқ амалий санъати, жумладан, ёғоч ўймакорлиги ҳам жуда тез суръатлар билан ривожланди. Амир Темур Ўрта Осиё маданияти ва санъатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди.

«Амир Темур ўз пойтахти (Самарқанднинг қурилиш ва ободонлиги учун ҳаракат қилиш билан бир қаторда Хуросон (Афғонистон), Ерон, Мовароуннаҳр сингари ўлкалардан енг машҳур ҳунармандларни, санъаткорларни пойтахтга тўплади, нафис тасвирий санъатнинг наққошлик, меъморчилик, архитектура, хаттотлик каби турларини ривожлантиришда улардан унумли фойдаланди.

XIV—XV асрларда Самарқандда тўпланган маҳаллий ва хорижий санъаткорлар, ҳунармандлар ва муҳандислар жомеъ мачитлари, мадрасалар хонақолар, саройлар ҳамда бошқа улкан иншоотлар қурилишида фаол қатнашганлар. Улар ҳозирги кунларда биз кўриб, кўзимиз ва дилимиз қувнаётган гўзал ва нафис тарихий - маданий обидалар, осори - атиқаларнинг бунёд етилишида ўзларининг бутун билим, ҳунар, санъат ва маҳоратларини сарф етганлар».

XIV аср ўрталарида Шайх Сайфиддин Бохарзийнинг дахмасига ишланган ёғоч ўймакорлиги нақши тарихий ёдгорликларимиздан бири ҳисобланади. Сағананинг устки қисмида ўрнатилган ёғоч тахтадаги ўйма нақшнинг нафислиги, мураккаблиги, табиийлиги, динамиклиги, жуда сифатли бажарилганлиги кишини ҳайратга солади. Ўймани бажарган устанинг нақадар нозик дидли, кучли назариётчи ҳамда амалиётчи, етук ҳунарманд эканлиги ўз-ўзидан кўриниб турибди. Ундаги нақшларнинг эркин, нозик ҳаракатли жилвалари инсон руҳига кўтаринкилик бағишлайди.

XIV—XV асрларга оид ёғоч ўймакорлиги намуналарида ҳаттоки тирик мавжудотлар расми ўйиб тасвирланган ишларни ҳам кўриш мумкин эди. Самарқанддаги Руҳобод мақбарасининг эшигида ўйма нақш бажарилган бўлиб, унда балиқнинг стиллаштирилган тасвирини кўриш мумкин. Темурийлар давлатининг инқирозга учраши ва XVI—XVIII асрлардаги ўзаро ички урушлар маданиятимиз, шу қатори халқ амалий санъатининг ривожланишига ҳам салбий таъсир етди.

XVII—XIX асрларда тирик жонзотларнинг тасвири, яъни қуш, балиқ, илон ва бошқалар ёғоч ўймакорлигида жуда кам тасвирланган. XVIII асрнинг охири XIX аср бошларида Бухоро, Хива, Қўқон хонликларида етук адабиёт намояндалари қатори халқ амалий санъати усталари ҳам етишиб чиқди. Кулолчилик, мисгарлик, ганчкорлик, сиркорлик қатори ёғоч ўймакорлиги ҳам гуркираб ривожланди.

XIX ва XX асрларда ёғоч ўймакорлиги, мисгарлик, наққошлик ва санъатнинг бошқа турлари каби ривожланиб ҳар бир шаҳарнинг ўзига хос ёғоч ўймакорлиги услуби пайдо бўлди.

Қўқондаги Худоёрхон саройи, Тошкентдаги князь Н.К.Романовларнинг саройи ва А.А.Половцев уйи, Қувадаги Зайниддин бойнинг уйи, Марғилондаги Саидахмадхўжа мадрасаси, Бухородаги Ситораи Моҳи - Хоса ва бошга тарихий иншоотларда ажойиб ёғоч ўймакорлиги намуналари яратилди. Булар ўзбек ёғоч ўймакорлиги санъатининг бебаҳо хазинасидир.

Кейинчалик ҳам халқ амалий санъатининг бу тури тез ривожлана бошлади. Ёғоч ўймакор усталар ҳар хил буюмлар, хонтахта, эшик ва бошқа нарсаларни безашга жалб қилинди. Ўймакорлик ишлари аста - секин механизациялаштирилди. Тошкент ва Бишкек шаҳарларида ҳунармандчилик ўқув ишлаб чиқариш комбинатлари ташкил этилди. Ўқув ишлаб чиқариш комбинатида жуда кўпчилик талабалар таҳсил олиб, уста бўлиб етишиб чиқдилар. Ўзбек халқ амалий безак санъати усталари қатори ёғоч ўймакор усталар Москвадаги собиқ Бутуниттифок

Халқ Хўжалиги ютуқлари кўргазмасида бир неча павильонни, Тошкентдаги Муқимий, Навоий, собиқ Ҳамза (бугунги ўзбек Миллий академик) театрларини, Навоий номли адабиёт музейини, ресторан, дўконлар, клуб ва бошқа жойларни ёғоч ўймакорлигининг ажойиб намуналари билан безадилар.

Ёғоч ўймакорлиги мактаблари, усталари ҳақида маълумот.

Ёғоч ўймакорлигининг ўзига хос турли усул ва услублари бор. Масалан шулар жумласига, Хива ёғоч ўймакорлиги ўймасининг монументаллиги, ёғоч табиий рангини сақлаб қолиши билан бошқалардан фарқланади. Бухоро ёғоч ўймакорлиги эса ўйма нақшнинг жозибадорлиги, жимжима нақшларни олтин, кумуш суви билан безатилиши, нақш заминида ранглардан унумли фойдаланишлари билан ажралиб туради. Марғилон ёғоч ўймакорлари чуқур заминли ясси ўймани қўллаб келганлар.

Қўқон ўймакорлигида эса калта бўртмали, ясси ўйма услубини ишлатганлар. Тошкентда эса нақш билан қопланган ясси бўртмали, заминсиз чизма ёғоч ўймакорлиги кенг тарқалган. Ёғоч ўймакорлиги мактаблари тахминан XIX асрнинг 40—50-йилларидан кейин пайдо бўлган. Республикамизда Қўқон, Хива, Самарқанд, Тошкент мактаблари мавжуд.

Бадий ёғоч ўймакорлиги мактабларининг ривожланиши туфайли, ўзбек халқининг энг кўзга кўринган усталари Олимжон Қосимжонов (1878-1952), Сулаймон Хўжаев (1866—1946), Мақсуд Қосимов ва бошқалар ажойиб санъат намуналарини яратганлар. Улар ҳам ўз навбатида ўзига хос ёғоч ўймакорлиги мактабларини вужудга келтириб, ажойиб шогирдлар етиштирганлар.

Тошкент ёғоч ўймакорлик мактаблари ва усталарининг фаолияти.

Бу мактабга мансуб усталар ўйма нақшларни 1—2 қават қилиб ўядилар, кейинги вақтларда эса 3 қаватли ўймаларни ўйишни ҳам амалга оширмоқдалар. Композиция жиҳатидан ўртача чуқурликда ўйиб, ўсимликсимон, геометрик,

гулли гирих, ҳаттоки рамзий нақшларни бажарадилар. Пардознинг ҳамма турларини қўллайдилар. Улар кўпинча ёнғоқ, чинор, бук ёғочларини ишлатадилар. Тошкент усталари рельеф юзасига озгина ранг бериб, рельефнинг ўзини локлайдилар. Тошкент ёғоч ўймакорлиги мактаби намояндаларидан бири Сулаймон Хўжаев фақат паргорий нақшини ишлаган. Унинг шогирди Мақсуд Қосимов биринчилардан бўлиб паргорий нақшни текис юзали ислимий нақш ўймага киритган. Мақсуд Қосимовнинг шогирдларидан бири Ўзбекистон Бадий академиясининг фахрий аъзоси, Ўзбекистон халқ рассоми О. Файзуллаев мактабнинг ривожига катта ҳисса қўшиб жуда кўп шогирдлар етиштирмоқда.

Сулаймон Хўжаев Сузук ота маҳалласидаги дурадгор оиласида дунёга келди. Унинг отаси Насруллохўжа панжара ва дурадгорликни ота - бобосидан мерос қилиб олган эди. Сулаймон ёшлигиданоқ ёғоч ўймакорлигига қизиқар, нозик санъат сирларини ўрганишга ҳаракат қилар эди. У диний мактабда ўқиб юрган кезларида отасига ёрдам беради. Кейинчалик 17 ёшидан уста Искандар Мирзаёқубов устахонасида ишлади.

У 1891-йилда ёғоч ўймакорлиги паргорий усталаридан бири Тошпўлат Аюбхўжаевга шогирд тушиб ёғоч ўймакорлигининг сир-асрорларини ўрганди. Паргорий ёғоч ўймакорлигининг бир тури бўлиб, ўйманинг чуқурлиги 1 — 1,5 мм дан ошмайди. Бу нақшлар “Ўймакор паргорий” ёки “Ўйма паргорий, яъни циркуль билан чизилган нақшни ўйиб ишлаш» дейилади. Сулаймон устозини ҳурмат қилар, қийинчиликларни сабр-чидам ҳамда ўта меҳнацеварлиги билан енгиб, ҳақиқий уста бўлишга астойдил ҳаракат қиларди. Кекса устоз Тошпўлат Аюбхўжаев вафот етгач, унинг санъатини давом эттирди. Устоздан эсдалик бўлиб қолган ҳамма асбоблар ёрдамида Сулаймон ўғли мустақил жуда кўп дурадгорлик ишлари — деразалар, эшиклар, ёғоч дарпардалар ясади. Устанинг умр йўлдоши Шарофат Отахўжаева ҳам ёғоч ўймакорлигига қизиқар эди, чунки унинг отаси ёғоч ўймакор устаси эди. Ўша вақтларда, яъни XX асрнинг бошларида олти, саккиз қиррали хонтахталар, шунингдек, майда буюмлар ишлаб чиқаришга эҳтиёж жуда катта эди. Уста ишларини моҳирлик билан безар эди.

Тожиқ, форс, турк ва араб тилларини яхши билган Хўжаев жуда кўп килоблар мутолаа қилар эди. Уста 1909-йили Туркия ва Арабистонга борди. Маккани зиёрат қилиш билан бирга чет эллардаги халқларнинг ҳаёти ва амалий санъати билан танишишга ҳаракат қилди.

1913-йили Тошкентдаги рус дурадгорлари билан танишди ва уларнинг маслаҳати билан нақшланган курсичаси ва қуш қафаси билан Санкт-Петербургдаги бутун Россия касблари кўргазмасида қатнашди ва «За поменьшие труды» бронза медали ҳамда диплом билан тақдирланди. Кейинчалик моҳир уста алоҳида устахонали бўлди. Ўз шогирдлари билан кўплаб ажойиб ўймакорлик ишларини бажарди. Уста Сулаймон Хўжаев ўз билимлари сир-асрорларини келажак авлодга ўргатишда меҳнатини аямади. У Тошкентнинг ўқув ишлаб чиқариш устахоналарида ўймакорлик санъати бўйича кўриқчи-ўқитувчи бўлиб ишлади. 1935-йили Тошкент шаҳар халқ маорифи бўлими хузуридаги тўғаракларга раҳбарлик қилди. Шу билан бир вақтда у Тошкент Тўқимачилик комбинатининг ўзбек халқ нақшлари асосида гул солинадиган фабрикасида маслаҳатчи - рассом бўлиб ишлади. Сулаймон Хўжаев рамка, қутичалар, столлар, жавонлар ва бошқа нарсаларни ясарди. Кўпинча ёнғоқ ва чинор ёғочларидан фойдаланарди, чунки бу воғочлар қаттиқ ва пардоз берганда ажойиб кўринишга ега бўлади. Юза ўймада ёруғлик контрасти катта рол ўйнайди. Паргорий нақш композицияси анча мураккаб бўлиб, устадан кўп меҳнат, сабр-тоқатни талаб дади. Уста керакли юзага қоғоз қўйиб, устидан қалам, циркуль, чизғич ёрдамида нақш композицияни чизар ва шу тарҳ бўйича ўяр еди. У нақшни ўйишда ўйма қаламдан фойдаланар еди. Устанинг 30—35 та ёғоч ўймакорлигининг асосий асбоблари кичик ёки йирик нақшларга мўлжалланганига қараб ҳар хил ўлчамда бўлган.

Паргорийда асосан 5 хил асбоб ишлатилади, нақш композициялари «нова искана» (ярим айлана шаклдаги тиғли асбоб), «балиқ сирти» (тиғи ёй шаклдаги асбоб) ва «тўғри искана» (кескичи тўғри тиғли асбоб) каби асбобларда ўйиб, уриб чиқилади. Ёғоч юзидаги қоғоз кўчириб ташланади. Кейин еса «замин қалам» асбобида замин ўйиб чиқилади ва текисланади. Нақш замини «гурзи»,

яъни тиғи майда тишли асбоб билан уриб чиқилади. Бу «чакичлаш» дейилади. Чакичланган нақш ўзига хос текис кўринишга эжга бўлади. Чакичлашда гурзининг тиғи ўйма тик ушлаб уриб чиқилади. Уста нақш композициясини бир кунда чизса, унча катта бўлмаган ўйма буюм фонини олишга 2—3 кун сарфлайди. Ўйма унча чуқур бўлмаса-да, у ёруғ сояда яхши, аниқ кўринади. Айниқса «гурзи» билан нақш заминини чакичлаб лок берилганда ўзига хос кўриниш ҳосил бўлади. Уста нақш андазаларини буюртмачиларга ёки шогирдларига эсдалик учун бериб юборишни канда қилмаган. Ана шундай ажойиб кўп нақш андазалари бугун санъат музейида сақланмоқда. Бу андазаларни 1947-йили устанинг ўзу музейга тақдим етган эди. Уста Сулаймон Хўжаев «лавҳ (китобни қўйиб ўқиш учун ясаладиган махсус мослама) ишлашнинг моҳир устаси ҳисобланган. У лавҳнинг жуда кўп турларини яратган. Устанинг ёғоч ўймакорлик тури «паргорий» услубида ишлаш йўлини унинг шогирди Мақсуд Қосимов ўз ижодий ишлари билан янада ривожлантирди. Тайёр паргорий нақш намуна билан композицион тарзда ислимий нақшни ўйиб ишлади. Афсуски, ҳозирги пайтда «паргорий» ёғоч ўймакорлик услубида ҳеч ким ишламай қўйди, бу услуб ривожланмай қолди. Сулаймон Хўжаев буюмга қоғозни елимлаб, кейин нақш композиция чизиб ўйса, қўқонлик усталар нақшни тўғридан-тўғри ёғочни юзасига чизиб ўяверар эди.

Уста Сулаймон Хўжаев ўзбек халқ безак санъатининг жуда кўп кўрғазмаларида қатнашди. 1923-йилда Россия қишлоқ хўжалиги хунармандчилиқ кўрғазмасида, 1927-йилда Собик иттифоқ халқлари санъати кўрғазмасида қатнашиб 1-даражали диплом билан тақдирланди. 1930-йилда ҳам кўрғазмада қатнашди, 1937-йилда Парижда бўлиб ўтган санъат ва техник кўрғазмасида иштирок этиб, ишлари юксак баҳо олди. Хўжаев шогирдларидан Муҳаммадвали Асқаров (1909—1949), Мақсуд Қосимов паргорий нақшини ижодий ривожлантириб, ўзига хос ёғоч ўймакорлиги мактабини яратдиганлар.

Ўзбекистон халқ усталари ичида биринчи бўлиб Уста Сулаймон Хўжаев Меҳнат қаҳрамони унвонини (1932-йилда) олишга мушарраф бўлди. Паргор

устаси 1947-йили 81 ёшида вафот этди. Санъаткор яратган асарлар Ўзбекистон тасвирий санъат ва халқ амалий санъати музейларида намоиш этилиб, халққа хизмат қилмоқда. Устанинг яратган асарлари маданиятимиз тарихига жуда катта бебаҳо хазина бўлиб қўшилди.

Мақсуд Қосимов 1905-йилда Тошкент шаҳрида хунарманд-уста оиласида дунёга келди. У 10 ёшида мактабга бориб беш йил таълим олди. Мақсуднинг тоғаси Мирсоат Исомухаммедов дурадгор эди. У ўша кезларда тоғасига ёрдам бериб юриб дурадгорлик касбини ўрганиб олади. 16 ёшида Мақсуд дурадгор бўлиб ишлай бошлади. 1933—1934-йилларда М. Қосимов ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тарих музейида (аввалги Халқ хўжалиги музейида) дурадгор бўлиб ишлаб, кўплаб ўймакорлар, наққошлар, меъморлар билан танишди. Бу танишув унинг ҳаётдаги ижодий йўлини аниқлаб берди. Музейнинг дарвозаси ёғоч ўймакор наққошлар билан ижодий ҳамкорликда тайёрланди. Чап табақасининг нақш композициясини Ёкубжон Рауфов чизмалари асосида ўратепалик ёғоч ўймакор Амир Ғофурхўжаев бажарди. Ўнг табақасини эса тошкентлик наққош Абдувакил Исаев нақш чизмалари асосида қўқонлик ёғоч ўймакор уста Абдураззоқ Абдурахмонов бажарди. Мақсуд ака шу ёғоч ўймакор уста Абдураззоқ Абдурахмоновга ёрдамлашди. Меҳрибон уста Мақсудга дастлабки ёғоч ўймакорлиги хунарини ўргатди. Мақсуд ёғоч ўймакорлиги билан бирга панжара санъатини ҳам чуқур ўрганиб борди. XIX асрда бинолар архитектурасида панжара жуда кўп қўлланилар эди. Мақсуд қадимий панжаралар билан танишди ва уларни ясаш сир-асрорларини ўрганди. Албатта бу жуда оғир иш эди. Ўймакор тарихий панжараларни ўрганар экан, ўзи ҳам ажойиб панжаралар яратди. Уста яратган намуналар ҳозирда Ўзбекистон тасвирий санъат музейида сақланмоқда.

1935-йилда Тошкентда хунармандчилик ўқув ишлаб чиқариш комбинати очилди. Ёш устанинг қобилияти ҳамда хунарга бўлган қизиқишини сезган музей ходимлари Мақсуд Қосимовни хунармандчилик ўқув-ишлаб чиқариш комбинатига ўзбек халқ амалий-бадий санъатини ўрганишга юбордилар. Тиришқоқ, ҳаракатчан

ва ҳунарга ташна Мақсуд икки йил мобайнида ёғоч, тош, металл ва ганчга гул ўйишни ўрганди. Ўқув комбинати 1902-йилда Туркистон генерал-губернаторлигининг дипломатик чиновникларидан бири Н. А. Половсевнинг буюртмаси билан қурилган бинода жойлашган эди. Бу бинода баланд, ажойиб устунларнинг нақш ганч ўймакорлиги, ёғоч ўймакорлиги ҳамда кошинкорлик намуналарини кўриш мумкин. Нақшларнинг узвийлиги, ранг-баранглиги, композиция жиҳатидан мукамаллиги бинога ҳусн бағишлайди. Ҳар бир нақшнинг унсурларида тугал гўзаллик, юксак санъат мужассамдир. Кишилар бу нақшларни кўриб ҳеч ҳам зерикмайдилар. М. Қосимов нақш-нигорларини кўриб янада завқланиб, улардан нақш нусхалар олар, таҳрир қилар эди. Ҳар бир нусха олган нақшлардан ижодий фойдаланиб ўнлаб нақш композициялар тузарди. Ҳа, бино залларидаги безаклар худди ёш уста билан тарих ва санъат ҳақида гаплашаётгандай туюлар, уни янгидан-янги ажойиб композицияда ижод қилишга илҳомлантирар эди. Бу ўқув комбинатига халқ амалий санъати усталари — ганчкорлар, ёғоч ўймакор усталар, мисгарлар, читгарлар, кулоллар ва бошқа кўплаб усталар таклиф қилинган эди. Шулар ичида наққош Олимжон Қосимжонов бор эди. О. Қосимов ўқувчиларга нақш композиция ва бўёқ билан ишлашни, ёғочга гул солиш каби ҳунар сирларини ўргатди.

М. Қосимовга устози паргорий услубда нақш ўйишни мукамал ўргатган бўлса-да, уни ижодий ўзлаштириб «ислимий» услубда нақш ўйишни ривожлантирди. Ислимий нақш бу ўсимликсимон нақш элементларидан тузилган бўлиб, ўзига хос ўсувчанлик хусусиятига эга. Мақсуд Қосимовнинг «ислимий» нақш усулини танлашининг сабаби, уни қўқонлик ёғоч ўймакор уста Абдураззоқ аканинг ижодидаги бир-бири билан силлиқ чирмашувчи бандлардан иборат ўйма гулларнинг жуда қизиқтирганлигидир. М. Қосимов ўймакорлиги ёғоч юзасининг силлиқ ўйилиши, қирраларининг ўткир бурчаклилиги, ўйманинг чуқурлиги 1,5— 2 мм ўйилиши билан ўзига хосдир. Уста тайёрланган ёғоч буюмга нақш ўймоқчи бўлса, аввало, ёғоч юзасини текислаб олади. Юзага мослаб нақш композициясини чизиб унинг ахтаси тайёрланади. Ахта орқали ёғоч юзасига туширилади. Ишлатилган ахтани усталар

доим сақлаб, кейинги ишларида ижодий фойдаланганлар. Нақшнинг тарҳи махсус искана билан кесилади. Ўйилган сатҳ гурзи (чакич) билан чакичланади. М. Қосимовнинг 1937 йили Ўзбекистон Санъат музейига тақдим етган 2 та қутичаси ўзига хос бажарилган. Қутичалардаги ўймалар тоза, чиройли ва текис ўйилган. Унинг четлари бофта шаклининг такрорланишидан ҳосил бўлган нақшлардан ишланган. Тахтаси эса сирли бўёқ билан бўялган. Қосимов ўқув комбинатида тошкентлик моҳир панжарасоз уста Насриддин Зияқориевдан ёғоч панжарани ясашни ўрганди. Ёғоч панжарани яшаш учун дастлаб рандаланган майда тахtachалар (терак ёки арғувон дарахтлар, ёғочлар) шу ром ичига қалаб ёки йиғиб чиқилади. Албатта бундай панжаралар яшаш устадан кўп меҳнат, маҳорат ва аниқликни талаб қилади. Панжара яшашда ҳеч қандай ширач, мих ишлатилмайди. Таёқчалар йиғиб чиқилгандан сўнг тўрт томонидан ёғоч ром билан мустаҳкамланади.

М. Қосимовни шу техника асосида тайёрлаган панжаралари — «эгри вос-вос», «сувора» ва бошқалар Ўзбекистон санъат музейида сақланмоқда. Ўзбек халқ усталарининг кўп асрлар давомида яратган анъанавий панжаралари мазмуни ва шаклига кўра ўзига хос номлар билан аталган. Чунончи «чор чашма», «сувора», «токи», «узма», «эгри вос-вос» ва бошқалар шулар сирасига киради. Маълумки, панжара санъати ўймакорликнинг мураккаб турларидан ҳисобланади. Михсиз, елимсиз ишланган панжара ижодкордан ғоят катта истеъдод, чидам ва меҳнатни талаб қилади. Панжарадаги қисм бўлакларнинг ҳар бирида юксак даражадаги математик аниқлик лозим. 50 йилларнинг иккинчи ярмида Ўзбекистонда бу санъатни биладиган камёб истеъдодларидан бири Мақсуд Қосимов эди.

М. Қосимов 1937 йили ўқишни тугатгандан сўнг халқ усталари қатори Москвадаги қишлоқ хўжалиги кўргазмасининг Марказий Осиё «павильон» ларини безашда қатнашди. У оиласи билан Москвада уч йил яшаб, Қирғизистон «павильон»ини безашда ёғоч ўймакорлиги гуруҳига раҳбарлик қилди. Улар устун, эшик, герб ва бошқа нарсаларни ишладилар, шифтларни нақш нигорлар билан безадилар. М. Қосимов Тожикистон ва Ўзбекистон «павильон»ида ганч

ўймакорлиги билан шуғулланади. У Қирғиз санъати билан яқиндан танишганлиги сабабли бу санъат унинг ижодига ижобий таъсир этган. Уста нақш ўйиш ва чизишда қирғиз безак унсурларини қўллаб ўзбек ўймакорлигига татбиқ этади. Бу ўз ўрнида унинг ижод намунасига ноёбликни таъминлаганди. Яъни, «... ишланган шикларнинг икки табақали конструкцияси бир хил, ҳар бир табақа учта йирик диладан иборат. Дила кенг ёғоч ҳошияли. Ҳар бир дила юзаси орнаментли чорси панно билан қопланган. Панно ўртасида давра турунж бўлиб, атрофи банд, барг ва гуллар тўқимасидан иборат симметрик орнамент ўраб туради, табақалар ўртасида дила орнаментида ўсимликсимон ва геометрик мотивлар моҳирлик билан бирлаштирилган. Дилада орнаментнинг тўрт хил вариантыни учратсакда, улар бир услуб асосида тузилган: марказий гулгин, давра турунж ва унинг атрофида тор ҳошия занжира, холос. Иккала эшикдаги ўн иккита дилада турлича занжира ишлатилган. Дила ва ҳошиялар турлича бўлишига қарамай, ҳар бири бутун композицияга айланган. Эшиклар бир-биридан асосан ҳошия орнаментлари билан фарқ қилади. Бир ҳошия барг ва банди печаксимон «ислимий як рафтор»дан иборат бўлса, иккинчиси банд ва барглар тўқимасидан ташкил топган, чўзиқроқ турунжлардан иборат мураккаб «чор ислимий» орнаментдир. М. Қосимов эшикларни ясашда ўзбек халқ ўймакорлиги орнаментларининг турли кўринишларини бирлаштириб ишлаган. Уста асосан саёзкор (3—4 мм), майда бўртмали, тик кесилган ва замини чакичланган ўйма усулдан фойдаланди. Эшикларнинг пастки диласига йириқроқ орнамент ва ҳошияларга «ислимий як рафтор» ишлатилган бўлиб, бўртма юзаси қўшимча пардозланган. Ингичка, нозик чорлар текис юзали ўймани яна ҳам кўркамлаштирган». 1943—46 йилларда М. Қосимов Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри қурилишида ҳам қатнашиб, асосан ганчкорлик (қолипкорлик) ишларига раҳбарлик қилади.

1946 йили у ўғли Аҳмад билан театр томоша зали учун тайёрланган креслоларга оддий ўйма гул ишлади. М. Қосимов 1944 йилда Ўзбекистон Рассомлар уюшмасининг аъзоси бўлди.

Устанинг 1953 йилда ишланган саккиз ва олти қиррали стол ва курсилари айниқса чиройли чиққан. Уларнинг умумий шакли Қўқон ва Тошкент усталарининг ишларидан фарқ қилади. Бу столларга қўлланган «кўзача ислимий» жуда жозибадор, таъсирчан ишланган. М. Қосимов нақш композициядаги симметрия, аниқлик, мувозанатлик хусусиятларини ўзбек миллий нақшлари мисолида кўрсата олган.

М. Қосимов умрининг охиригача П.П. Бенков номидаги Республика бадий санъат билим юртида ўқитувчи бўлиб ишлайди. У О. Файзуллаев, Х. Қосимов, Х. Рихсиев, А. Шокиров каби ёғоч ўймакор усталар авлодини тайёрлади.

1952 йили Тошкентдаги П. П. Бенков номидаги Республика бадий билим юртининг халқ амалий санъати бўлимига кириб, уни аъло баҳолар билан тугатди. 1963 йилдан ижодий иш бошлади. 1969 йили Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг расм ва чизмачилик бўлимини битирди. У айна ўша дамларданоқ билим олиш билан бирга ижодий ишлари билан халққа танила бошлади.

Ўймакор рассом Тошкентда қурилаётган энг йирик маъмурий биноларнинг деярли барчасида ўз ижоди билан қатнашган, десак хато қилмаймиз. У Республикамизнинг адабиёт ва санъат, шунингдек, бошқа бир қанча музейларини, Тошкентдаги «Мовий гумбазлар» чойхонасини, пойтахтимиздаги Санъат саройини, «Ўзбекистон» теплоходининг кафесини, Кисловодскдаги «Ўзбекистон» санаторийсини, Паркент шаҳридаги Чотқол қўриқхонасининг табиат музейини, Қарши шаҳридаги музейни, «Тошкент», «Ўзбекистон» меҳмонхоналарни ва бошқа биноларни безашда фаол қатнашган.

Хаётий

фаолият

хавфсизлиги

Ўймакорликда техника хавфсизлиги ва ёнғинни олдини олиш ҳақида маълумот.

Устахонадаги меҳнат хавфсизлик қоидалари:

1. Иш кийимини (халат)ни тўғри кийиш;
2. Иш жойларини кўздан кечириш, асбоб-ускуналарнинг созлигини текшириш;
3. Ўқитувчининг руҳсатисиз иш оўрнидан кетмаслик;
4. Асбоб-ускуналарни тўғри ва эҳтиёткорлик билан ишлатиш;
5. Ўқитувчининг руҳсатисиз ҳеч нарсага тегинмаслик;
6. Ишга яроқли асбоб-ускуналардан фойдаланиш;
7. Иш ўринларини қипиқлардан, пайрахалардан махсус шётка билан тозалаб кетиш.

Ишлаб чиқариш гигиенаси санитарияси ва гигиенаси

«Меҳнатни муҳофаза қилиш»

Меҳнатни муҳофаза қилиш (меҳнат муҳофазаси) соғлом ва хавфсиз меҳнат шароити яратишга ёналтирилган қонунлар, техник, санитария – гигиеник ва ташкилий тадбирлар мажмуидир. Улар ушбу уч қисмдан таркиб топади:

- ҳуқуқий асослар, яъни меҳнат ҳақидаги қонунлар (меҳнат қонунлари) асослари;
- хавфсизлик техникаси ;
- ишлаб чиқариш санитарияси.

МЕҲНАТ ГИГИЕНАСИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САНИТАРИЯСИ.

Меҳнат гигиенаси ва ишлаб чиқариш санитариясининг вазифалари асосан инсоннинг ҳаёти ва соғлиғи ҳақида ғамхўрлик қилиш, унинг меҳнатини муҳофазалаш муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Мустақиллик йилларида ишлаб чиқаришда ишлаётганларнинг меҳнатини соғломлаштириш юзасидан талайгина ишлар қилинди.

Меҳнат гигиенаси медицина фанининг бир тармоғи бўлиб, киши организмига қуйидаги ишлаб чиқариш ва технологик омилларнинг таъсир қилиши билан боғлиқ бўлган масалаларни ёритади: мазкур ишлаб чиқариш технологияси ва у билан боғлиқ бўлган меҳнат жараёнлари; ҳам ашё материалларга ярим фабрикатлар ана шу ишлаб чиқаришдаги меҳнат шaroитлари. Мана шу масалаларнинг ҳаммасини урганишдан мақсад ишлаб-чиқаришдаги киши организмига ёмон таъсир киладиган барча омилларни бартараф етишдан иборатдир.

Электр токидан шикастланиш.

Электр токидан шикастланиш даражаси, кўп жихатдан, ток кишига қанча вақт таъсир этиб турганлигига боғлиқ. Ток елтувчи қисмларга ёпишиб долган киши, купинча, узини бировнинг ёрдамисиз улардан ажратолмай қолади. Шунда тегишли чоралар курилмаса, у сал вақт ичида ҳалок бўлиши мумкин. Шунинг учун, энг аввало, кишини ток таъсиридан тезда ҳалос қилиш керак.

Ток урган кишида ҳаёт белгилари сезилмаса, унга сунъий нафас олдирилади. Шикастланган кишини ҳеч вақт ерга қумиш керак емас, чунки бу зарарли. Шикастланган киши узи нафас ола бошлагунига қадар ёки унинг ҳалок бўлганлигидан дарак берувчи белгилар — мурда доғлари пайдо бўлгунича ёки у котиб қолгунича сунъий нафас олдира бериш керак.

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ

Ёнгин жуда катта моддий зарар етказади. Бунинг устига, қуп ҳолларда бахциз ходисалар ҳам руй беради. Бу эса қурувчилар зиммасига ёнгиндан сакланиш чораларини яхши урганиб олиш ҳамда уларга амал қилиш вазифасини юклайди.

Ёнғинга қарши курашиш техникасининг вазифалари ёнғин чиқиш сабабларини урганиш, ёнғиннинг олдини олишнинг енг самарали усулларини топиш ҳамда чиккан ёнғинни киска вақт ичида учириш воситалари ва усулларини белгилаб олишдан иборатдир. Ёнғин сабабларини урганиш, ёнғин вақтида қурилиш конструкцияларига таъсир қиладиган омилларни аниқлаш масалалари билан ёнғинга қарши мудофаа илмий-текшириш институту (ВНИИПО) шугулланади.

Ўймакорликда қўлланиладиган нақшлар ва уларнинг турлари.

Нақш чизиш ва уни ўйиб ишлов бериш санъатининг илдизи жуда қадим ўтмишимизга бориб тақалади. Инсоният ўзи учун зарур бўлган жамики буюмларни бадий безаб, такомиллаштириб келган. Оддий рўзгор буюмларидан тортиб, кийим-кечак, китоб, бино безаклари - ҳамма-ҳаммаси нақш элементлари ёрдамида безатилган. Халқ амалий санъатидаги, ўймакорлик санъатидаги безак элементлари табиатда учрайдиган ўсимлик дунёси, гул, новда, барг ва ҳайвонлар тасвирининг энг содда кўринишдаги аксидир.

Нақшни чизишда, асосан икки манбадан — табиий ва ҳандасавий шакллардан фойдаланилади. Ўсимликлар, ҳайвонлар ва қушлар нақш санъатининг тасвир объектидир. Маълумки, ҳар бир нақш намунаси ўзига хос нақш элементлари йиғиндисидан иборат. Стилизация ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан олинган турли шакллар, масалан, буталар, новдалар, шохлар, барглар, гуллар, мевалар ва шу кабиларнинг табиий шакллари қайта ишлаш демакдир. Бу ҳолатда танланган шаклни нақш композицияси таркибига қўшиш мумкин бўлган безак шаклига келтирилади. Бунда ўқувчи бутун бир яхлит предметнинг ташқи кўринишларини бир нечта бадий чизиқлар ёрдамида аниқ, лўнда қилиб тасвирлашни ўрганади. Халқ усталари қадимдан қўллаб келаётган жами нақшлар табиат ҳамда воқеликнинг шартли тасвири бўлишига қарамасдан, ўзига хос қонун-қоидаларга эга. Бу қонун - қоидалар табиатнинг ўзидан олинган. Ўсимликлар фақат бир томонга қараб ўсади. Масалан, мажнунтол худди пастга қараб тескари ўсаётгандек туюлади, лекин новдадан барг бўлиб, бир томонлама йўналишда давом етиб келади. Табиатнинг бу қонуни нақшда ўз аксини топган. Уста чизадиган нақш шунчаки қоғоз бетини тўлдириш учун эмас, балки, онгли равишда табиат ва бадийлик қонун - қоидаларига амал қилган ҳолда манзара тасвирини чизишдан иборатдир. Бадий нақш ишлаш жараёнида ўқувчилар қуйидагиларни пухта ўзлаштириб олишлари зарур:

— атроф-муҳитдаги, табиатда мавжуд бўлган табиий шаклларни қайта ишлаш, яъни

стилизациялаш йўллари билишлари, ундан самарали фойдалана олишлари;

— берилган нақш элементлари ёки намуна асосида янги нақш композициясини туза олишлари;

— мустақил равишда янги нақш композициясини туза оладиган бўлишлари керак.

Нақш элементлари билан таништирув машғулотларида ўқитувчи ўқувчиларни табиат қўйнига саёҳатга олиб чиқади. Улар машғулотларда ўрганган назарий ҳамда амалий билим малакалари асосида, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини кузатадилар, сўнг «стилизациялаштириш» орқали уларнинг бадиий тасвирларини, шакллари ҳосил қилиш билан бевосита шуғулланадилар. Ўқувчиларга махсус кетма - кетлик асосида тузилган рангли ёки оқ - қора фото-суратлардан ва кўргазмали қуроллардан фойдаланиш орқали тушунчалар бериш ҳам яхши натижа беради.

Стилизация табиатда учрайдиган ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини, уй - рўзгор буюмларини табиий кўринишдан анча соддалаштириб, энг ихчам кўринишларда тасвирлаш демакдир. Нақш чизишни ва ўйишни ўрганувчилар ана шу усулни батафсил тушунган ҳолда эгаллаб олишлари лозим. Чунки кўпгина нақш композициялари ана шу тарзда қайта ишланган турли - туман шакллар, тасвирлар ёрдамида ҳосил қилинади.

Лойихалаш машғулотлари жараёнида нақш элементларини чизиш ва уларни ҳосил қилиш тартиблари, йўллари ва усуллари ўзлаштириб борилади. Дастлабки машғулотларда қуйидаги нақш элементлари чизиб ўрганилади:

—барглар элементларини чизиш;

—гуллар элементларини чизиш;

—новдалар элементларини чизиш;

—боғлам ва сиртмоқнинг элементларини чизиш;

—таноблар элементларини чизиш;

—марғўла ва куртак элементларини чизиш;

—мадоҳил элементларини чизиш;

—гажак ва жингалак элементларини чизиш;

—бофта ва шкифта элементларини чизиш.

Одатда, бадий нақшлар чизишда, кўпроқ барг тасвирларидан фойдаланилади. Бунда барг ислими нақш элементлари сирасига кирганлиги сабабли нозик, нафис кўринишларда тасвирланади ва ўйилади. Наққош ва ўймакорлар тол, анор, хурмо, бодом, самбит, хина, атиргул, узум ва шу кабилар барглари стилизациялаштириб, нақш композициясини тузишда қадимдан фойдаланиб келганлар.

Гуллар — ислими нақш элементи бўлиб, нақшларга тарғил пардоз берилганидан сўнг янада кўрк ва ҳусн бағишлайди. Гул элементлари асосан нақш шакллариининг марказий қисмларига жойлаштирилади. Гулларнинг ҳам беҳисоб турлари мавжуд бўлиб, ўзига хос номлар билан аталади. Гул турларига оддий ва мураккаб кўринишдаги ойгул, лола, пахтагул, чиннигул, пистагул, кувачагул, карнайгул, сафсаргул, атиргул, наргизагул ва бошқалар киради.

Новда — ўсимликсимон нақш элементи сирасига киради. Гул, барг, мевабарг ва бошқа элементларни ўзаро боғлаб бириктириб тўлдиради. Намоён, рута, морпеч, мунаббат, турунж ва турли мураккаб нақш композицияларида новда элементлари якка ва қўшбандларда учрайди.

Таноб — нақш намуналаридаги асосий шакл йўллариини ясайди. Бундай шакл номлари меҳроб, мадоҳил, қалампир, гардиш ва шу кабилар билан аталади.

Мадоҳил — ислими нақш элементи. Мадоҳил лола, тумор, учбурчак кўринишини эслатувчи шакллар мисолида учрайди.

Шкифта — ислими нақш элементи. Қисқача шкифт деб ҳам аталади. Шкуфта асосий шакл ясовчи элементларни куртак — гажак кўринишларида ўзаро боғлайди.

Рамзий нақшлар — кабутар, шер, балиқ, давлат герби ва бош-қаларнинг стиллаштириб тасвирланган элементларидан ташкил топади.

Ўймакор усталаримиз ва наққош ота-боболаримиз қадимий обидалар ва амалий санъат намуналарини нафис нақшлар билан безар эканлар, завқланиш билан бир қаторда, улар орқали ўз орзу - умидларини, муҳаббатларини, тилакларини акс эттирганлар,

инсон рухиятини жуда чуқур ва ҳар тарафлама ўрганиб, уларни буюмларда ажойиб нақшу нигорлар билан бойитганлар. Нақшланган уйда кишилар хотиржам, осойишталик оғушида бўлиши, узоқ умр кўришини донишманд боболар асрлар давомида ҳаётий тажрибалар асосида илғаганлар. Наққошлик санъати тилини билиш учун нақшнинг ҳар бир элементи ва рангларининг рамзий алифбосини билмоқ керак бўлган.

Рамз — арабча «ишора қилмоқ» сўзидан олинган бўлиб, табиатни, воқеликни, ҳаётдаги қувонч ва ташвишларни нақш элементлари, жонли чизиқлар, ранглар орқали тасвирлашдир. Халқ амалий санъатининг қайси бир тури бўлмасин, унинг заминида нақш элэрментларидан тузилган композиция ётади. Нақш композициясининг безак элементлари эса, табиатда учровчи гул, новда, барг, парранда ва ҳайвонот дунёсини соддалаштириб тасвирлашдан ҳосил қилинади.

Ҳар бир воҳа ва шаҳарларнинг нақш композициялари бир-биридан ўзаро ажралиб туради. Тошкент, Хоразм, Фарғона, Самарқанд, Бухоро наққошлик мактабларининг ўз орнамент ва ранг колоритлари мавжуд. Мустақил нақш тузиш жараёнида стилизация орқали нақш элементлари ўзаро бириктирилади. Нақш бўлакларининг вазифалари ва равон чизилишига эътибор берилади. Гул, барг, новда, бофта ва қўшбандлик нақш элементларидан нақш композицияси тузилади. Талабаларнинг фантазиялари, мавжуд нақш элементларини маълум қонун-қоидаларга амал қилган ҳолда жойлаштиришда, уларнинг маълум билим ва малакага эга бўлишлари лозимлигини тақозо этади. Биргина «Бодом», «Қалампир» нусхалари шаклидан наққошлик, ўймакорлик, заргарлик, кулолчилик, каштачилик, зардўзлик каби халқ амалий санъатида турли - туман ўзига хос нақш намуналарини яратиш мумкин. Композиция тузиш йўллари ва уларнинг хомаки намуналарини тайёрлаш наққошлик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлик ва бошқа амалий санъат турлари учун умумийдек кўринса-да, аслида қўлланиладиган хом ашёси, ижро пардоз турлари билан фарқланади.

Композиция — лотинча сўз бўлиб, «жойлаштириш, қуриш, тузиш» деган маънони англатади. Бунда танланган нақш композициясига кўра унинг элементларни қоғоз юзасида бир-бирига боғлиқ ҳолда жойлаштириб, яхлит композицияни ҳосил қилади.

Танланган мавзу мазмунига мос келадиган нақш композициясини тузиш учун бир қанча хомаки эскизлар ишланади ва улардан талабга жавоб берадиганлари танлаб олиниб, композиция тузишда қўлланилади. Нақш композицияларини тузишда, бўлақларнинг ўрнини алмаштириш, қўшимча деталлар киритиш орқали, унинг мавзусини янада бойитиш кабилар ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Нақш мавзусини ифодалашда композициянинг асосий қонуниятларига риоя қилиш лозим. Композицияда нақш яратиш муайян қондасини симметрия, ассиметрия, мувозанат, деталларнинг ўлчови, шакли, ранги кабиларга риоя қилиш ташкил этади ва бунга қатъий амал қилинади. Мустақил нақш яратиш жараёнида ўқувчилар стилизация орқали тузилган элементларни ўзаро бириктирадиган нақш элементларининг вазифаларига ва уларнинг равион чизилишига эътибор берадилар.

Мустақил нақш композициясини тузишда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- чизилажак нақш композициясини шакл, ўлчам ва тақсимларини мўлжалга олиш;
- композициянинг якка ёки қўш банддан иборат бўлишлиги назарда тутилган ҳолда таноб (ясовчи) элементи шакллариини жойлаштириш;
- композицияга новда, барг, гул ва бошқа нақш элементларини киритиб, мукаммаллаштириш;
- даврий такрорланиш;
- нақш бандини бофта, шкуфта элементлари билан боғлаб бойитиш;
- композициянинг асосий шаклини умумлаштириб, нақшни номлаш;
- композициянинг маъно ва мақсадини ҳисобга олган ҳолда ранг-тусларини аниқлаш;
- симметрик жойлашув ва ранглар мутаносиблигини сақлаш

Мустақил нақш яратишни бошлашда ўқувчи икки, уч ва ундан ортиқ элементлар ёрдамида энг содда нақш композицияларини тузиши мумкин. Бунда ихтиёрий таноб шакли чизилади ва гул, новда, барг элементлари ёрдамида тўлдирилади. Мавжуд композицияни шакл ёки гул элементлари номлари ёрдамида номлаш мумкин. Йўл, айлана, квадратга чизиладиган нақш композициялари ҳам ихтиёрий равишда мавжуд нақш элементлари бирикмасидан тузилади. Ҳар қандай нақш композицияларининг пишиқ ва чиройли чизилишига аҳамият берилиши керак. Элементларнинг ўзаро

тартибли жойлашуви нақшнинг жозибасини янада оширади. Мустақил нақш композициясини тузишда ҳам халқ усталари ижодини кузатиш, халқ амалий санъати музейига бориш ва нусха кўчириш яхши самара беради. Ўқувчи қанча кўп нақш элементларини ёддан чиза олса, композиция тузиш шунчалик осон кечади.

Биз мактабда, лицей ва коллежларда ҳамда олий ўқув юрт-ларида таълим-тарбия мазмунини, шаклини, ўқитиш методини такомиллаштириш, миллийлик нуқтайи назаридан келиб чиқиб, уни жаҳон стандартлари билан уйғунлаштиришимиз, зарурдир.

Ҳозирги кунларда талаба ёшларга тасвирий ва амалий санъат асарларини чизиш, ранг орқали ёзиш ва ҳар хил шаклларни асар даражасида яратиш, бажариш тарихи, этнографияси ва бошқа томонлари ўргатилмоқда. Лекин бу ҳали талаб даражасида эмас.

Бундан ташқари ёшларимиз наққошлинкамалий санъат асарларини ўқий олишда етарли бадиий маълумотларга эга бўлмаяптилар.

Бунинг учун биринчи навбатда ота-боболаримиз рамзийликдан қандай даражада фойдаланганликларини қунт билан ўргатишимиз зарур.

Рамзийлик алифбосини тузиш ва ўқувчи ёшлар учун илмий асосда рамзийликдан фойдаланишнинг педагогик, психологик, фалсафий асосларини ишлаб чиқиши керак.

Рамзийлик ўзи нима? Рамз бу арабча «Ишора қилмоқ» сўзидан олинган бўлиб, нарсани ранг ва шакллар орқали ифода-лашдир. Ҳар бир санъат турлари каби, тасвирий ва амалий санъатда ҳам ўзига хос рамзийликлар бор.

Ҳозирда мактабларда, мактаблардан ташқари муассасаларда, олий ўқув юртларида ҳозирги давр таълим стандартларига жавоб берадиган асарлардан намуналар ишлашга ўргатилади, лекин талабалар шакл, ранг ва чизиқлардаги рамзийликларни пухта билмаслиги мутахассислик фанларимизни қиёмига етказиб ўрганишга салбий таъсир етляпти.

Ўқувчи ёшларни табиатдаги, кинодаги, рақс, муסיқа ва бошқа санъатдаги рамзий ифодалар сингари тасвирий ва амалий санъатда ҳам рамзийликлар ифодаси орқали воқеликни англатиш айнаи муддао болар еди. Бунинг учун ўқувчи ёшларимизга тасвирий ва амалий санъатдаги шакл, ранг ҳамда чизиқларнинг маъносини ўқий олиш алифбосини ўргатиш керак. Тасвирий ва амалий санъат асарларининг бадиий томонини ўқий олиш учун бадиий дид етарли бўлмоғи шарт.

Шарқнинг машҳур наққоши Маоний: «Кимки чизиқларга жон бағишлай олар екан, у санъат калитини егаллаган бўлади», деб бежиз айтмаган. Бу билан Маоний кимки тасвир тили билан воқеликни халққа тушунтириб бера олар екан, у ҳақиқий санъаткор деганидир.

Ота-боболаримиз гўзалликдаги фалсафа, руҳият, тарбия ва шифовий хислатларни жуда яхши билганлар. Лекин бу гў-залликни уқиш алифбоси бизгача тўлиқ етиб келмаган. Бунинг учун биз тасвирий ва амалий санъат асарларини ўқиш алифбосини қайта тиклашда дастлабки уринишлар қилдик.

Геометрик нақш элементларининг рамзий маънолари.

Тенг томонли учбурчак — тик турган ҳолати — ҳаётнинг бошини, тескари турган ҳолати ҳаётнинг охирини билдиради.

Тенг ёнли учбурчак — яхлит бўлинган бўлак, айрилиқ.

Квадрат — дунёнинг тўрт томони, осмон саройи, қуёш фарзанди, абадийлик.

Тўғри тўртбурчак — ишонч.

Ромб — аёл, яъни она ер рамзи, серфарзандлик.

Айлана — олам, бахт, қуёш, одамларни ёвуз ниятидан қайтариш рамзи.

Беш қирраҳъ юлдуз — ҳаётнинг қисқалиги, беш кунлик дунё.

Ярим айлана — бахт.

Ярим ой — ислом динининг рамзи.

Ўнг свастика — абадий ҳаракат, ўсиш, кўтарилиш.

Чап свастика - тескари ҳаракат, бузилиш.

Қуёш — ҳаёт рамзи.

Булут, олов — ғолиблик рамзи.

Ислимий нақш элементларининг рамзий маънолари.

Бодом - бахт, иқбол.

Барг — баҳорги уйғониш.

Қалампир - ҳар хил ёмонликлардан ва ёмон кўздан асраш.

Зирк гули (гулсафсар) — осойишталик ва умр узоқлиги.

Анор — эзгулик, тўқчилик, тўкин-сочинлик.

Ойгул — бахт, иқбол рамзи.

Жингала — тўкин-сочинлик, бойлик рамзи.

Олма — муҳаббат рамзи.

Новда — бойлик ва фаравонлик.

Япроқ - тўқчилик, баҳорги уйғониш, наврўз.

Исириқ — ёмон кўздан асраш.

Атиргул — муҳаббат, гўзаллик.

Қуш ва ҳайвонларнинг рамзий маънолари.

Шер — мардлик, жасорат ва куч.

Тулки — маккорлик.

Чумоли — донишмандлик, хоскорлик рамзи.

Булбул — садоқат.

Ҳумо — бахт келтирувчи қуш.

Бойқуш — ҳушёрлик.

Сичқон — уй ҳайвонларининг кўпайиши.

Ечки — жасурлик, мардлик, покизалик.

Оқ кабутар — тинчлик.

Оҳу - гўзаллик, ҳимоясизлик, нозиклик.

Рангларнинг рамзий маънолари.

Яшил — она табиат рамзи.

Кўк - мовий осмон, тинчлик ва ёмон кўздан асраш рамзи.

Қизил — ғалаба, хурсандчилик, шодлик рамзи.

Сариқ — муқаддаслик рамзи.

Қора — мотам рамзи.

Сариқ — айрилиқ рамзи.

Зангори — эътиқод рамзи.

Оқ — тозалик, ёруғлик, бахт ва омад рамзи.

Хуллас, биз ўқувчи ва талаба ёшларга амалий санъат тилини ўргатиш орқали гўзалликни ўқишга, тасвирий ва амалий санъатдаги маънавий оламига кира олишга, уларнинг ўзлари ҳам санъат тили орқали воқеликни гапиришга ўргатамиз.

Ақлий заковат, муруват, руҳий, маънавий камолот, инсофу диёнат, меҳр-оқибатлилик фазилатларини ёшларимизда шакллантириш олимлар, зиёлилар, тарбиячилар зиммасига юкланади. Дарҳақиқат, биз келажаги буюк давлат барпо этмоқчи эканмиз, ҳар томонлама ривожланган, баркамол, ақлли, устозлар йўлларини давом эттирадиган комил инсонларни тарбиялашимиз лозим:

Буюк файласуф Дени Дидро; «Қайси миллат ўз болаларига расм солишни худди хат-савод ва ҳисоб-китобни ўргатишдек қунт билан ўрганса, бу миллат фан, санъат ва ҳунармандчиликда бошқа халқлардан ўзиб кетади», деган экан.

Тўртбурчак ичига нақш композициясини чизиш, ранглаш.

Тенг томонли тўртбурчакни рамзий маъноси дунёнинг тўрт томони, осмон, сарой, қуёш, фарзанд, абадий ишонч, хотиржамлик, мустаҳкамлик маъносини билдиради. Тўртбурчак шакллари ҳажмидан келиб чиқиб, доира чизилиб, у тўрт

нуқтага бўлинади ва бир-бири билан нуқталари туташтирилади. Туташтирилиш натижасида марказий нуқта белгиланиб, тўрт бўлакка бўлинади. Ҳар бир бўлакка банд, куртак, гунча, гул, бофта, шкифта, баноб ва бошқа бўлаклардан (ислимий, паргорий, бағдодий) фойдаланиб, оддий ва мураккаб кўринишда композициялар чизилади. Тенг ёнли тўртбурчак томон-ларининг ҳажми 15x20 см бўлиши ҳамда тенг ёнли квадрат ичига нақш чизишда квадрат диагоналларида фойдаланиш керак. Бешбурчак ичига нақш чизишда, берилган ҳажмнинг бурчакларини топишда доира, айлана шаклидан фойдаланилади.

Нақшни тартиб рақами бўйича чизиш ва ранглаш.

Техника: қора қалам билан ишлаш. Материал: қоғоз ва қалам. Ўлчам: миллиметровка, катак дафтар ёки албом варағи юзасида бажарилади.

Бажариш босқичлари:

Бу нақшнинг асосий қисми, шакли бўлгани учун тайёр схемада ишлаш мумкин.

1-босқич. Аввал горизонтал ва параллел чизиқлар чизилади ва тенг квадратларга бўлиб чиқилади.

2-босқич. Нақшнинг ўзаги бўлган ёрдамчи айлана асосида чизилади.

3-босқич. Уч баргли ойгул ва учиб кетаётган қушга ўхшаш уч баргли гул чизилади.

4-босқич. Гуллар тўлқинсимон чизиқлар асосида бириктирилади.

5 – босқич. Нақш якунланади ва рангланади.

Ўйма курсилар ва уларнинг турлари.

Ўйма курси ёғоч ўймакорлигида кўп учрайдиган амалий санъат турларидан бўлиб, ўймакор усталар томонидан севиб ишланадиган шакллардан бири ҳисобланади. Ўйма курсиларнинг дастлабки намуналари XX асрнинг бошларида ясалган. Ҳозирда улар давлат санъат ва халқ амалий санъати музейларида санъат дурдоналари сифатида сақланмоқда. Курсиларнинг ҳажми ва тузилиши ҳар хил бўлади. Улар айлана, уч, тўрт беш, олти, саккиз рахли ва бошқа шаклларда, шунингдек юзасининг диаметри 18—20 см дан 70—90 см гача, баландлиги 25—30 см дан 80—1 метргача, оёқ бўлагининг ҳажми 10—12 см дан 25—30 см гача бўлиши мумкин. Ўртача курси ҳажми юзасининг диаметри 25—30 см, баландлиги 35—40 см. Ўқувчилар дастлаб курсининг кўриниши, тузилиши, ҳажми, ўлчами, бириктириш жараёнларини ўрганиб керакли кўникма ҳосил қилгандан сўнг курси учун кўзсиз, чатноғи йўқ, бенуқсон, ранги бир хил, яхши қуриган ёғочларни танлайди. Ёғоч ўймага чиройлилиги, тузилиши ва ранги билан мос бўлиши керак. Ўнинг сувда сақланганлигига ва яхшилаб қуритилганлигига ҳам аҳамият берилади. Чунки бу босқичлар тўлиқ бажарилмаса ўйма ёрилиб кетиши мумкин. Ёғоч танлаб бўлингандан сўнг дурадгорлик ишлари бошлаб юборилади. Дастлаб буюм деталлари ясалади. Яъни тасдиқланган чизма асосида дурадгорлик асбоб-ускуналари ёрдамида юза ва оёқ қисмларига тахтачалар тайёрлаб махсус арралар ёрдамида бўлақлар тайёрланиб, оёқ қисмлари тепа қисмига хомаки тарзда жойлаштирилиб, камчиликлари бартараф етилгач, бўлақларга ажратилади. Тайёрланган нақш композицияси (**Ислимий услуб** ўзбек ўймакорлигида жуда кенг тарқалган. Ислимий классик нақш тури бўлиб, барг, гул, куртак, таноб ва бошқалардан ташкил топган бир-бирига уланиб такрорланишдан ҳосил бўлган нақш. Ислимийнинг турлари жуда кўп, уста композицияси қайси шакл билан тўлдирилган бўлса, шу шаклнинг номини қўшиб айтилади. Чунончи ислими меҳроб, ислими бодом, ислими булбул ва бошқалар.) курси юзаларига ахта орқали кўчирилиб, махсус дастгоҳга ўрнатилади ва ўйиш жараёнлари босқичма-босқич амалга оширилади. Ўйишни дастлаб оддий чизиклардан

бошлайди ва босқичма-босқич ярим айлана, куртак, ғунча, гул ва бошқа бўлақларини 3—4 мм чуқурликда кесиб чиқишади. Заминда пайдо бўлган бир хилдаги ўйиқчалар шаклларни бўрттириб нақшларни аниқ ва равон кўрсатади. Ишлари поёнига етгач махсус жилвир қоғозлар билан нақш юзалари текислаб чиқилади. Ўқувчилар ўйиш жараёнини ниҳоясига етказгач оёқларининг бўлақларини порси кесиб бир-бирига ҳайдаш ва елим ёрдамида бириктириш ишлари амалга оширилади. Чунки тўлиқ йиғиб бўлингач тозалаш, текислаш ва силлиқлаш ишлари бажарилиб, оёқ ва юзаларининг бир хилда кўриниши учун махсус тус (морилка) берилади. Шакллар тўлиқ буюм ҳолатига келгандан кейин майда кумқоғоз-да керакли жойларини тозалаб махсус ранг билан бир хил тусга келтириб рангсиз махсус лок берилади. Локлаш бир неча бор қайтарилиши мумкин. Лок чанг ёки иссиқ жойда қуригилади, тўлиқ тайёрланган маҳсулот ўқитувчи ва ҳайъат аъзолари томонидан баҳоланиб босқич ишига якун ясалади.

Атроф-мухитни химоя килишнинг иктисодий ва тарбиявий аҳамияти.

Лойихани бажариш жараёнида дарахтларнинг турлари ва уларга ишлов бериш шакллари урганганим сабаб экологиямизнинг кай даражада эканлиги ва ёшларга берилаётган экологик тарбиянинг ахволи билан кизикиб курдим. Айни чокда шуни таъкидлаб утишим керакки бадий ёғоч уймакорлиги санъати нафакат эстетик дид ва хунарни эгаллаш куникмаси шакллантиради, балки атроф – мухит мухофазасига ортикча зарар етказмайдиган тармок деган тушунчани хосил килдим.

Экологик тарбия - ахлокий тарбиянинг ажралмас кисмидир. Кишиларда экологик онг ва тафаккурни, дунёкарашни хосил килиш табиатни диалектик тушунишига ёрдам беради. Хамма боскичларда экологик таълим-тарбияни талаб этилган даражада амалга ошириш учун бу вазифанинг муҳимлигини ва маъсулиятини яхши билган ёшларни тайёрлаш зарур. XX аср охирида инсониятнинг биосферадаги жараёнларга таъсири узининг юкори боскичига етди. Хозирги авлод куз-унгида маҳаллий ва минтакавий экологик инкироз вазиятлари кузатилмокда. Бундай мураккаб даврда экологиянинг илмий-назарий, амалий, таълимий, маданий ва ахборий аҳамиятлари тобора ортиб бормокда. Атроф-мухит ҳолатини тугри баҳоллаш, зарур тадбирларнинг уз вақтида утказилишини таъминлаш экологик билимларнинг ривожланганлик даражаси билан бевосита боглиқдир. Табиатдан фойдаланишда бир тизимли механизмни такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Хозирги кунда табиий мухитни меъёридан ортик ифлосланганлиги, табиий ресурслардан фойдаланганлик учун жарима туловлар жорий килинган. Бунинг натижасида тупланган маблағлар табиатни мухофаза килиш фондларини ташкил килади ва бу маблағ турли экологик тадбирларга сарфланиши мумкин. Ўзбекистонда янги иктисодий муносабатларга утиш жараёнида табиатдан фойдаланишнинг узига хос иктисодий меҳнзми шаклланмокда. Табиатдан фойдаланиш иктисодиётининг амалиётга тадбик килиниши "Инсон ва табиат" уртасидаги муносабатларни мувозанатга келтиришида муҳим роль уйнайди.

Аммо экологик таълим ва тарбия тугрисидаги дастлабки оддий тушунчалар урта мактаблардан бошланади. Мактабда утиладиган назарий экология, биология фанлари асосида уқитилиб, укувчиларни меҳнат фаолиятига тайёрлаш, ташки мухитни эҳтиёткорлик билан мухофаза килувчилар этиб тайёрлаш ишига ёрдам бериши керак. Олий мактабларда экология таълими табиат мухофазаси масалаларининг илмий асосларини чуқур ва ҳар томонлама урганишга, инсон фаолияти натижасида биосферада руй бераётган ҳодисаларни сабаб ва қонуниятларини таҳлил этиш мақсадларига қаратилган. Шу билан бир қаторда, у талабаларни мактабларда экология асослари ва табиат мухофазаси таълимини уқитишга тайёрлашни ҳам назарда тутди.

Экологик таълим ва тарбия қуйидаги асосли бўлимларни уз ичига олади:

1. Талаба ва укувчиларни табиат гузалликларини севиш ва улардан эстетик завқ олиш ҳуқуқида тарбиялаш.

2. Жонли ва жонсиз табиатнинг ривожланиш қонуниятлари, табиат ва жамият уртасидаги мураккаб узаро муносабатлар, шунингдек, инсон хужалик фаолиятининг табиатга таъсири оқибатлари ҳақида билим бериш.

3. Талаба ва уқувчиларда экологик маданиятни тарбиялаш.

Табиатни севиш, улардан тугри ва онгли равишда фойдалана билишни тарбиялаш экологик тарбия а маданиятни асоси бўлиб, кишиларда табиат олдида маъсулиятини англаш малакасини ҳосил қилади. Ватанни севиш, ватанпарварлик табиатни севишдан бошланади. Бинобарин, уқувчиларда табиатга нисбатан ҳақиқий муҳаббат тугусини ҳосил қилмай туриб, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мумкин эмас. Инсоннинг табиат қучоғида бўлиши уни руҳан тетиклаштириб, унинг меҳнат қобилиятини ва ижодий фаолиятини оширади. Экологик тарбия қуйидаги масалаларни ўз ичига олади:

а) Кишиларга махсус экологик билим ва тарбия бериб, уларда бу соҳада муайян малака ҳосил қилиш;

б) Экологик ўзгаришларни олдиндан қўра билиш руҳида тарбиялаш;

в) Экологик маданиятни сингдириш;

г) Кишиларни табиат “инъомлари”дан тугри фойдаланиш руҳида тарбиялаш.

Табиатнинг нормал ҳаёти учун фуқаролик маъсулиятини тула англаш экологик таълим ва тарбиянинг ифодасидир. Табиатни муҳофаза қилиш ва экологик тарбия масаласи педагогик ва психология масалаларининг энг муҳим таркибий қисмидир. Кишиларда табиат қонунларига тула риоя этиш тугрисида ва бу соҳада ватан, халқ, давлат ва қўлажак авлод олдидаги бурч тўғриси ва маъсулият ҳисси ҳосил этилмаса, уларда тула экологик онг ва тафаккур ҳосил бўлмайди. Экологик онг ва тафаккурга эга бўлган ҳар бир кишига ўз меҳнат фаолиятида табиатга таъсир этиш қандай оқибатларга олиб қилиши мумкинлигини олдиндан қўриб, онгли равишда иш тутди. Табиатнинг ривожланиш қонуниятларини билмаслик, экология билимларидан беҳабарлик қўё табиатда “ўз-ўзидан қўрадиған” экологик мувозанатнинг маъжудлиги, қандайдир “ёпиқ экологик тизим”нинг қўрлиги, табиатнинг қайтадан тикланишига аралашмаслик тугрисидаги қўман зарарли фикрларнинг тугилишига сабаб бўлади.

М у н д а р и ж а :

1. Педагог қандай бўлиши қўрак.

2. Замонавий ўқитиш технологиялари.

3. Дарс режа матни.

4. Дарсинг тури ва мазмуни.

5. Дарсинг бориши.

6. Дарсинг технологик жараёни.

7. Дарс ўтиш режаси.

(160-минутлик дарс тақсимоти.)

8. Йиллик иш дастури.

9. Ўқитувчининг тақвим мавзу режаси.

10. Ўқитувчининг шахсий иш режаси.

11. Ўқитувчининг маънавий ва маърифий

ишлар режаси.

12. Дарс таҳлили.

1. Педагог қандай бўлиши керак.

«Бадий ёғоч уймакорлиги» халкимизнинг қадимий ва мукаммал санъат турларидан биридир. Амалий санъатнинг мазкур йуналиши республикамизнинг, хусусан вилоятимизнинг касб хунар таълими тизимида уз урнига эгадир. Инновацион таълим усуллари асосида уймакорлик касбининг сир – асрорларини уқувчига ургатишда «Устоз - шогирд» анъанаси санъат мактабларининг долзарблигини янада оширди. Шу уринда алохида таъкидлаб утиш керакки, мазкур соҳада фаолият юритаётган педагог кадрларнинг зиммаларига яна бир муҳим вазифа, устозлик вазифаси юклатилади. Факатгина назарий маълумотларни сингдириш билан уқувчи - шогирд уймакор - уста деган тоифага эришмайди. Хунарнинг узига хос урфлари ва анъаналарига қадимдан ҳозирга қадар «устаман» деган уймакорларнинг амал қилаётгани кишининг беихтиёр ҳавасини келтиради.

Асл уймакор педагог қандай бўлиши керак деган саволга шундай жавоб берган булардим: «Бу шогирдини ҳудди уз фарзандидай едириб – ичириб, унда ижодкор инсон тафаккурини шакллантирийдиган, уни касб хунар эгаси бўлиш билан бирга чин одам қилиб тарбиялайдиган, ҳар қадамидан, ҳар бир ишидан узининг шуури уфуриб турадиган шогирдларига уз касбининг маҳорат ва сирларини, қоида ва тартибларини моҳирлик билан етказиб бераётган устозлардир. Ушбу йуналиш бу касб эгаларидан, касбга бўлган меҳрни, кенг қалбни, қучли эътиборни, нозик дид ва бой ижодкорликни талаб қилади. Уз касбини пухта билишлик билан бирга, шогирдларга бу хунар сирларини ургатишда устоз педагогик маҳорат эгаси бўлиши шарт. Уз илмини узларга тугри ва тулик етказиб бериш санъатшунос педагогдан албатта маҳорат талаб қилади. Бундай тартибдаги йуналишларни ҳар бир шогирд билиши ва узи хоҳлаган йуналишини мақсад қилиб олиб, интилиб, хунарни узлаштириши керак бўлади.

Санъатшунос педагоглар қаторига тармок ҳақида умумий тушунчага эга бўлган ва уймакорлик буюмларини тулик таҳлил қила оладиган, мактаблар ва усталарнинг ишларини бир – биридан фарқларини ажратиб бера оладиган, бундан ташқари уймакорлик буюмларини қайта ишлаш, созлаш ва тайёрлаш ишларини бажарувчи, уймакорликнинг барча технологик жараёнларини амалда пухта бажарадиган ва ҳар қандай носоз

буюмни сифатли таъмирлайдиган ишлаб чиқариш таълими усталарини киритишимиз мумкин. Улар бадий ёғоч уймакорлиги буюмларининг янги ижодий намуналарини пайдо қилиб, тайёрлайдиган, Яъни кундан – кунга ривожланиб келаётган уймакорлик санъатида янги ижодий намуналарни ясаб ва уларнинг тайёрланиш технологияларини узига хос услубларда шакллантириш орқали, соҳага уз хиссасини ижодкор усталардир.

Кейинги вакилларимиз бу, кизикиши ва ижодкорлиги учун эмас, балки авлоддан авлодга утиб келаётган анъана ва удумларнинг йуқолиб кетмаслиги, буюмларни яшашнинг узига хос технологияларини ва сирларини бошқа мактабларда тарқалмаслигини таъминловчи, касбни факатгина фарзандларига мерос қолдирадиган бобо ва ота усталаримиз.

Яъни ижодкор уста ёки педагог ижодий намунасини атрофимизни ураб турган барча бор нарсалардан қидиб, уларни бир-бирига қиёслаб мослаштириб пайдо қилиши керак бўлади. Ижодий янгиликларни тасаввуримиздан ташқарида ва инсоният оламидага йуқликдан излашлик беҳуда уринишларга олиб келади. Демак барча ижодий янгиликлар йуқдан бор қилишлик эмас, балки бордан бор қилишлик қоида билан оширилади.

Ижодий қобилиятларни ривожлантириш, бойитиш, тарбиялаш ва устириш. Яъни ҳар ижодий янгилик, асар ва ихтиролар инсоннинг қучли қобилиятини ишга солишидан қелиб чиқади. Қобилиятларни парваришлаш қуп соҳалардаги билимларни узлаштириши билан бирга узининг сезги аъзолари билан бирга бутун борликни қузата билиши керак. Шундагина табиат ва мавжудотнинг сирларини синчковлиги ва эътибори орқали қузата қилади, бунинг натижаси уларок унинг ижодкорлиги уз – узидан намоён бўла бошлайди.

Буюмларни яратишда ижодий янгилик шароити. Яъни уста – уймакор ҳар доим ижодий қайфиятда бўлавермайди, янги ижод намуналари қелавермайди. Бунда зарур шароитни яратиш унинг қанчалик даражада маҳоратли педагог эканлигига қоглик бўлиб қолади. Моҳир педагог ижодий йуналишларга ҳалақит берадиган бошқа муаммолар ҳақида уйламаслиги ва қузатиш учун бор диққатини янги ижодий намуналар тайёрлашга сарф этиши лозим бўлади.

2. Замонавий ўқитиш технологиялари.

Лойихани тайёрлаш жараёнида мавзу буйича утилган машгулотда, таълимнинг инновацион технологияларидан, яъни визуал маълумотларни мустахкамлаш ва амалий усул билан мослашдан иборат булган «Пинборд» техникаси буйича назарий маълумотлар етказиб бериш ва амалий куникмаларни шакллантирувчи уйғунлаштирилган дарсни ташкиллаштирдим. Таълимда инновацион технологиялар, («Инновация» инглизча «инноватион» - янгилик киритиш, янгилик демакдир) педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерфаол услублардан фойдаланилади. Интерфаол («Интер» - бу ўзаро, «аст» - ҳаракат қилмоқ) - ўзаро ҳаракат қилмоқ ёки ким биландир суҳбат, мулоқат тартибида бўлишни англатади. Бошқачароқ сўз билан айтганда, ўқитишнинг интерфаол услубиятлари - билиш ва коммуникатив фаолиятни ташкил этишнинг махсус шакли бўлиб, уни таълим оловчилар билим олиш жараёнига жалб қилинган бўладилар, улар биладиган ва ўйлаётган нарсаларни тушуниш, фикрлаш имкониятига эга бўладилар. Интерфаол дарсларда ўқитувчининг ўрни қисман талабаларнинг фаолиятини дарс мақсадларига эришига йўналтиришга олиб келади.

Бу услубларининг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва талабаларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятга эга бўлиб,
уларга:

- талабанинг дарс давомида бефарқ бўлмаслиги, мустақил фикрлаш, ижод қилиш ва изланишга мажбур этади;

- талабаларнинг ўқув жараёнида фанга бўлган қизиқишларининг доимийлигини таъминлайди;

- талабаларнинг фанга бўлган қизиқишларини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндашган ҳолда кучайтиради;

- педагог ва талабаларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини доимий равишда ташкил этади.

Баъзи ўқитувчилар, тадқиқотчилар ва амалиётчиларнинг фикрича, педагогик технология - фақат ахборот технологияси билан боғлиқ ҳамда ўқитиш жараёнида қўлланилиши зарур бўлган ўқитишининг воситалари, компьютер, масофали ўқитиш ёки турли хил воситалар деб таърифланади. Бизнинг фикримизча, педагогик технологиянинг энг асосий негизи - ўқитувчи ва талабаларнинг белгиланган мақсаддан кафолатланган натижага ҳамкорликда эришишда қўлланиладиган ҳар бир таълим технологияларига боғлиқдир. Ўқитиш жараёнида, мақсад бўйича кафолатланган натижага эришишда қўлланиладиган ҳар бир таълим технологияси ўқитувчи ва талабалар ўртасида ҳамкорлик фаолиятини ташкил эта олса, ҳар иккаласи ижобий натижага эриша олса, ўқув жараёнида талабалар мустақил фикрлаб, ижодий ишлаб, изланиб, таҳил этиб, ўзлари хулоса қила олсалар, ўзларига, гуруҳга, гуруҳ эса уларга баҳо бера олса, ўқитувчи эса бундай фаолиятлари учун имконият ва шароит ярата олса, бизнинг фикримизча, ана шу - ўқитиш жараёнини асоси ҳисобланади. Ҳар бир дарс, мавзу, ўқув предметнинг ўзига хос технологияси бор. Ўқув жараёнида педагогик технология - бу аниқ кетма-кетликдаги яхлит жараён бўлиб, у талабанинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан пухта лойиҳалаштирилган ва кафолатланган натижа беришга қаратилган педагогик жараёндир.

Педагогик мақсаднинг амалга ошиши ва кафолатланган натижага эришиш

ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорликдаги фаолияти, улар қўйган мақсад, танлаган мазмун, услуб, шакл, восита, яъни технологияга боғлиқ.

Ўқитувчи ва талабанинг мақсаддан натижага эришишида қандай технологияни танлашлари улар ихтиёрида, чунки ҳар иккала томоннинг асосий мақсади аниқ натижага эришишига қаратилган бўлиб, бунда талабаларнинг билим савияси, гуруҳ характери, шароитга қараб, ишлатиладиган технология танланади. Масалан, натижага эриш учун балки, компьютер билан ишлаш лозимдир, балки фильм (ёки тарқатма материал, чизма ва плакат, ахборот технологияси, турли адабиётлар) керак булар. Буларнинг ҳаммаси ўқитувчи ва талабаларга боғлиқ.

Шу билан бирга ўқув жараёнини олдиндан лойиҳалаштириш зарур. Бу жараёнда ўқитувчи ўқув предметининг ўзига хос томонини, жой ва шароитнинг асосийси, талабаларнинг имконияти ва эҳтиёжини ва ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил эта олишини ҳисобга олиши керак. Шундагина керакали кафолатланган натижага эриш мумкин. Қисқача айтганда, талабани таълимнинг марказига олиб чиқиш керак.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўқув ишлари бўйича
директор ўринбосари

(Ф.И.Ш.)

(Имзо)

“__” _____ 20__ йил

ДАРС РЕЖАСИ №

Гуруҳлар	210					
Дарс ўтиладиган сана						

Ўқув предметининг номи: *Лойихалаш*

Мавзу: *Олти киррали миллий курси ишлаш ва уни ўқитиш услуги.*

Дарс тури: *Ўйгунлаштирилган*

Дарсга ажратилган вақт миқдори: *160 дақиқа*

Дарсининг мақсадлари:

а) таълимий: *мавзунинг мақсад ва вазифалари ҳақида билимга эга бўлиш.*

б) тарбиявий: *эстетик ва меҳнат тарбиясини ривожлантириш*

в) ривожлантирувчи: *мавзунинг ривожланиш тарихини билиб олиш*

Дарсдан кутилаётган натижалар – мавзунинг ўзлаштиригандан сўнг

ўқувчилар қуйидаги билим ва кўникмаларга эга бўладилар:

1. Накш композициясини туза олиш.
2. Курсининг ёғоч асосларини тайёрлаш.
3. Курси юзасида нақшларни уйиш ишларини бажариш.
4. Курсини якуний пардозлаш.

Таълим методлари, техникаси : *Аклий хужум, Пинборд ва поғона методларидан фойдаланиш*

Баҳолаш мезонлари: *Талабалар қониқарли, яхши, аъло тарзида баҳоланади (3-5 гача).*

Ахборот манбалари ва техник воситалар: *Маъруза матни, плакатлар, слайдлар ва уқув амалиёти устахонаси жихозлари.*

I. Долзарблаштириш

а) таянч тушунча ва хатти-ҳаракат усуллари: *методика, ўқитиш усули, ўқитиш тизими, амалий методика.*

б) мустақил иш: *мавзу бўйича поғона методидида ишлаш.*

II. Янги тушунча ва хатти-ҳаракат усуллари шакллантириш

а) шакллантириладиган тушунчалар ва хатти-ҳаракат усуллари: *фаннинг тарихи ҳақида назарий билимга эга бўлиш ҳамда мақсад ва вазифаларни англаш.*

б) асосий ва иккинчи даражали муаммолар: *инсоннинг амалий фаолиятида амалий санъат фанининг муҳимлиги.*

III. Қўллаш ёки мустаҳкамлаш босқичи

а) мустақил иш тури: *гуруҳларга бўлиниб баҳс мунозара ташкил этиш*

б) предметлараро боғланиш: *тарих, геометрия, наққошлик, чизмачилик.*

Уйга вазифа: *мавзу юзасидан саволлар тузиш.*

ДАРСНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

Т/р	Машғулот босқичлари	Ажратилган вақт	Машғулот мазмуни	Таълим методлари ва шакллари	Таълим воситалари
1.	Ташкилий қисм	10 дақиқа	Ўқувчилар билан саломлашиб, уларни йўқлама қилиш. Доскани дарсга ҳозирлаш.	Савол- жавоб	Ўқув машғулот- лари журнали
2.	Долзарб- лаштириш (Мотивация)	10 дақиқа	Ўқувчилардан олдин ўтилган, лойихалаш фани ҳақида қай даражада билимга эга эканликларини текшириш. Улар билан умумий савол жавобларни ўтказиш. Янги мавзунини ўтиш олдида ўқувчиларга ўқитувчи томонидан қизиқарли маълумотларни айтиб уларнинг дарсга фаоллигини ошириш.	<i>Пинборд методи</i>	Суратли материаллар
3.	Янги тушунча ва ҳатти- ҳаракат усуллари ни шакллантириш	40 дақиқа	Ўқитувчи томонидан ўқувчилар дарсга ҳозирлангандан кейин, янги мавзу тушунчаси берилади. Бунда лойихалаш методикаси фанининг мақсад ва вазифалари. Инсон учун амалий фаолиятнинг аҳамияти. Ўймакорлик турлари. Ўрта Осиёда фаннинг	Баёний тушунтириш	Маъруза матни, плакат

			ривожланиш тарихидан янги маълумот ўқувчиларга етказилади.		
4.	Мустақ амлаш ёки қўллаш	80 дақиқ а	Янги мавзу ўқувчиларга тушунтирилиб гуруҳларга ажратилади, янги мавзу юзасидан ҳар бир гуруҳга вазифа бериш ва уни изоҳлаб бериш вазифаси топширилади. Тайёр бўлган мавзу гуруҳ сардорлари томонидан тақдимот қилинади. Ҳар бир гуруҳлар янги мавзу юзасидан бир-бирларига савол бериб билимларини аниқлашади. Ўқитувчи назорати остида вазифани бажаради.	Погона усули ва савол- жавоб	Тарқатма саволлар, плакат
5.	Якуний қисм	20 дақиқ а	Янги мавзу бўйича, мустақил мавзуларни бажариш жараёнида, фаол қатнашган талабалар ўзаро гуруҳлар томонидан баҳоланади. Мавзу бўйича уйга вазифа берилиб дарс якунланади	Рейтингни аниқлаш	Ўқув машғулот- лари журнали тўлдириш ва дарсни якунлаш.

Ўқитувчи: *Джалилова Д.О.* _____

«Пинборд» усулидаги машғулотнинг технологик харитаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич. Кириш (20 мин.)	1.1. Амалий иш мавзуси ва унинг режасини эълон қилади. Амалий иш мақсадини, ундан кутилаётган натижаларни маълум қилади	1.1.Топшириқ берилади, бажарилади.


2-босқич. Асосий (120 мин.)	2.1. Талабалар эътиборини жалб этиш ва билим даражаларини аниқлаш учун тезкор топшириқ беради: - <i>конструктив (жисм шаклини қаламда чизиқ орқали ифодалаш) ва конструктив чизгилар сўзларининг маъносини қандай тушунасиз?</i> -<i>Накиш ишлаш сўзларининг маъносини қандай тушунасиз?</i> -<i>Курси нима ?</i> - <i>Уймакорлик амалиёти қандай қилиб санъат даражасига эришган ?</i> - <i>Мазкур санъат тури нима сабабдан талабаларга фан сифатида киритилган?</i> 2.2. Ўқитувчи визуал материаллардан фойдаланган ҳолда юқоридаги бажариладиган ишларни бажаришга ёрдам беради. 2.3. Фаннинг буюмни лойихалаш мутахасисларини тайёрлашдаги роли ва ўрнини тушунтириб, очиб беради, изоҳлайди. 2.4. Талабаларга буюмнинг иқтисодий, эстетик ижодий ривожланишидаги моҳиятини шарҳлайди. 2.5 Курсини амалий яшаш боскичларини бошқаради.	2.1. Бажарилган иш кўрилади. Навбат билан талабалар бажарган ишлар бир-бирини такрорламай ижодий мазмуни аниқланадиди. Ўйлайди, бажаради. Тўғри бажарган иш аниқланади. 2.2. Кўргазма моҳияти ва мазмунини муҳокама қилади. Иш текширилиб, асосий жойларини ёдга олади. 2.3 Эслаб қолади, ишлайди. Ҳар бир композицион тузилишга жавоб беришга ҳаракат қилади. 2.4 Курсини яшаш ишларини боскичма – боскич бажаради
---	---	---

3-босқич. Якуний (20 мин.)	3.1. Мавзуга якун ясайди ва талабалар эътиборини асосий масалаларга қаратади. Фаол иштирок етган талабаларни рағбатлантиради. Мустақил иш учун вазифа: Мавзуниинг асосий тушунчалари бўйича «Погона» усулида диаграмма тузиш, топшириқни бажариш ва бажармаслик техникаси асосида амалий тайёргарлик кўриш.	3.1. Топшириқ олинади, аниқлаштиради. 3.2. Бажариш учун топшириқ олади.
--	---	---

Ўймакорликда қўлланиладиган дарахт турлари.

Маълумки, барча турдаги ёғоч-тахта материаллар дарахтдан олинади. Шунинг учун ўқувчиларга дарахт тузилиши, унинг қисмлари билан таништириб, улардан қандай материал олинади ва қандай мақсадларда ишлатилиши ҳақида тушунча бериш мақсадга мувофиқдир.

Ҳар қандай ўсиб турган дарахт уч қисмдан: илдиз, тана ва шохлардан иборатдир (1-расм). Илдиз дарахтнинг ўсиши (яшаши) учун керак бўладиган асосий қисмлардан биридир. Илдиз ўз шакли, катта-кичиклиги, сони ва ерга жойлашишига қараб турли дарахтларда турлича бўлади. Шунга қарамасдан барча дарахтларнинг илдизида асосий томирлар бўлиб, улар дарахт танасининг давоми ҳисобланади. Бундай томирларни ўқ томирлар деб юритилади. Қалин ўрмонларда ўсадиган дарахтларнинг илдизида ён томирлар кам бўлиб, улар кўпинча асосий-ўқ томирлардан иборат бўлади. Улар тананинг давомини ташкил этади. Бундан кўринадики, қалин экилган дарахтларнинг ўқ томирлари ривожланган бўлади. Сийрак ва якка тартибда ўсган дарахтларнинг илдизи ерга тик кетмасдан ер бетини қоплаб тарқалади. Чунки якка ва сийрак ўсган дарахтлар шамол таъсирида ўз мувозанатини сақлаш мақсадида паст бўйли, илдизи ер бетини қоплаб тарвақайлаб ўсади. Дарахт илдизида ўқ томирлар, ён томирлар шунингдек ришта томирлар бўлади. Ришта томирларда майда кўзга кўринмас капилляр найчалар бўлиб, улар орқали ердан олинган ва дарахтнинг ўсиши учун керак бўладиган сув ва озуқа моддалари сўриб олинади. Илдиз орқали олинган озуқа моддалари тана орқали шохларга ўтади. Дарахтнинг ўқ томири тўғри ва қаттиқ бўлиб, улардан кўпинча ёғоч ишлаш токарлик станоклари учун материал сифатида фойдаланилади. Илдиздан скипидар ва конифоль олинади. Тана ўзида дарахтнинг ўсиши учун керак бўладиган озуқа моддаларини сақлайди. Шунингдек, илдиз орқали олинган озуқа моддаларини шохлар орқали баргларга, барглардан шохлар орқали ўтган озуқа моддаларини илдизга ўтказди.



1-расм. Дарахтнинг тана тузилиши.

Дарахт танасидаги шохлар буталгандан сўнг у хода ҳолига келади. Ходалар ҳар хил ўлчамли бўлади. Ходаларнинг йўғон-ингичкалигига қараб улардан қурилиш ва иншоотларда, шахталарда, электр, радио, телефон линиялари учун симёғочлар тайёрлашда асосий материал сифатида ишлатилади.

Дарахт танасидан олинadиган ходаларнинг йўғон-ингичкалигига қараб синчли бинолар қуришда чорчуп, устун, сарров, тўсин, хари, кашак ва ҳоказо мақсадларда фойдаланилади. Шунингдек, ходалар тилиниб ундан дурадгорликда, мебелсозликда ишлатилadиган турли ўлчам ва шаклдаги ҳар хил ёғоч-тахта материаллар тайёрланади.

Турли дарахтларнинг танаси ҳар хил кўринишга эга бўлади. Бу унинг турига, ўсиш шароитига боғлиқ. Қалин ўрмонларда ўсадиган дарахтлар тик ўсиб танаси тўғри, кам шох бўлиб улардан сифатли ходалар олинади. Бундай ходаларни тилиш натижасида ҳосил бўладиган тахта материаллар юқори сифатли бўлади. Ўрмон четида ўсадиган дарахт танаси эгри, якка тартибда ёки сийрак ўсган дарахтлар сершох, паст бўйли бўлиб, улардан олинadиган ходалар кўпинча табиий нуқсонли бўлади. Шунинг учун ўрмончилик хўжаликларида сифатли ёғоч етиштириш мақсадида дарахтлар қалин экилиши ва ўстирилиши керак.

Шохлар ердан тана орқали олинган озуқа моддаларини баргларга ўтказади. Барглар дарахт танасида ҳосил бўлган ортиқча намликни буғлантиради, ҳаво таркибидаги карбонат ангидрид (CO_2) газини ютиб ўзидан соф кислород ажратиш хусусиятига эга. Қуёш нури таъсирида карбонат ангидрид газини баргларда кислород ва углеводга ажралади. Кислород ҳаво таркибига ўтиб уни бойитади. Шунинг учун ўрмонларнинг ҳавоси ҳамма вақт тоза бўлади. Ажралган углевод илдиздан тана орқали олинган озуқалар билан қўшилиб дарахтнинг ўсиши, ривожланиши учун керак бўладиган озуқа моддаси углевод (қант, крахмал) ва оксилларга айланади.

Шундай қилиб, баргларда ҳосил бўладиган озуқа моддалари пўстлоқнинг ички қатламида жойлашган луб (капилляр тоалар) орқали илдизга, ердан илдизлар орқали олинган озуқа моддалари эса тананинг пўстлоқ ости орқали шохларга ўтиб модда алмашилиши рўй беради.

Илгариги вақтларда ўрмон хўжалигида кесилган дарахт шохлари, шилинган пўстлоқлар тўпланиб ёқиб юборилар эди. Бу ўз навбатида кўплаб ёғоч материалларнинг нобуд бўлишига, ўт қўйилган ерлар унумдорлигининг пасайишига сабаб бўлар эди. Кейинги вақтларда ўрмон хўжалигида ишлаб чиқаришга замонавий фан ва техника янгилликларини татбиқ этиб ёғочни қайта ишлашнинг янги технологиясини татбиқ этган ҳолда шохлар, пўстлоқ ва бошқа ёғоч чиқиндилари (арра тўпони, пайраха ва ёғочлар) қайта ишланиб улардан халқ хўжалиги учун керак бўладиган турли хил материаллар (ДСП, ДВП каби) ишлаб чиқарилмоқда.

Дурадгорлик бирикмалари ҳақида тушунча.

Ёғоч ўймакорлик дастури асосида бажариладиган дурадгорлик йўли билан тайёрланадиган буюмларнинг кўплари бир-бирига турли усуллар билан бириктирилади. Бирикмалар ҳосил қилишда бар хил бириктирувчи ашёлардан фойдаланилади ва унда бир неча боғлаш усуллари қўлланилади. Буюмларнинг қандай ашёдан тайёрланишига ва қандай мақсадда ишлатилишига, унга қандай сифат берилишига қараб бўлақлар ўзаро оддий ёки мураккаб кўринишда бириктирилади.

Оддий бирикмалар, мих ва шруплар ёрдамида бириктириладиган бирикмаларга айтилади. Бирикмалар оддий ва мураккаб турларга бўлинади.

Бирикмалар ҳосил қилишда қўлланиладиган боғлаш усуллари: даста бет боғлаш, призматик ёки тўғри тирноқли бирикмалар, чокли бирикмалар, «Қалдирғоч қуйруқ» тирноқли бирикмалардан иборат.

Даста бет боғлаш дурадгорлик бирикмалари ҳосил қилишнинг энг оддий ва осон усули. Тўғри тирноқли бирикмалар дурадгорлик ва ёғоч ўймакорлик буюмлари тайёрлашда уларнинг сифатли чиқиш бўлақларини пухта бирикишини таъминлайди. Бирикмалар ўлчамларига қараб бар хил кўринишда бир тирноқли, икки тирноқли, кўп тирноқли, очик махфий ва ярим махфий тирноқли бўлади. Улардан ёғоч ўймакорлигида энг кўп ишлатиладиган бирикмалардан бири очик кўринишдаги бир тирноқли ва ярим махфий тирноқли бирикмалардир.

ПОРСИ УСУЛИДА БОҒЛАШ.

Ёғоч ўймакорлигида буюмларнинг сифатини ошириш мақсадида кўпинча бўлақларни «Бет» қисмлари ёки бирикма устида қопланадиган тирноқларни тирноқ ва қулоқлар порси усулида (45° бурчак остида) бириктирилади.

Порси усулида боғлашда қисмлар бир-бирига тирноқсиз ёки тирноқли қилиб бириктиради. Режа асосида тирноқ чиқариш ва қулоқ очиш учун биринчи галда тилиш иши бажарилади. Тирноқ чиқариш учун тилишда орқа томондан ғуния чизиғига тилиниб, «бет» томонидан порси чизиғи (45° ли режага) мослаб бурчак остида тилинади. Бунинг натижасида орқа томондан ғуния чизиғи бўйича «бет»дан порси чизиғи бўйича кетиб тирноқ чиқарилади.

Қулоқ очилгандан сўнг «бет» тирноққа мослаб порси чизиғи бўйича арралаб ташланади (киритилади). Киритиш вақтида арралаш порси қолип ёрдамида бажарилиши мумкин. Порси усулида боғлаш бирикмаси ёғоч ўймакорлигида ҳар хил ҳажмдаги ўйма рамкаларнинг бурчакларини, асосан панжарасозлик санъатида чўпларини (45° бурчак остида), арралаб бириктиришда асосий иш қуроли сифатида

қадрланади. Амалий ясалган олти қиррали ўймакорлик курсиси ҳам мазкур усулда бириктирилган ҳисобланади.

Ўймакорликда ишлатиладиган ашёлар ва уларнинг турлари.

Дурадгорлик ўқув устахоналарини жиҳозлашда дурадгорнинг иш унимини тўғри ва ҳар томонлама тўлиқ ташкил этишга алоҳида эътибор берилади. Чунки ўқувчиларнинг ўзларига топширилган ишларни ва қулай, аниқ ва яхши, сифатли қилиб бажаришлари иш ўрнини тўғри ташкил этилишига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Дурадгорликда бажариладиган иш турларини эркин бажариш имконини берадиган барча турдаги асбоб-ускуна ва мосламалар билан жиҳозланган, ишни бажариш тартибини кўрсатувчи техник ҳужжатлар, ҳамда буюм тайёрлаш учун керак бўлган ёғоч материаллар билан таъминланган дурадгорлик ўқув устахонасининг бир қисми дурадгорлик иш ўрни деб аталади. Дурадгорлик иш ўрнининг асосини дастгоҳ (дурадгорлик верстаги) ташкил этади.

Дастгоҳ барча турдаги дурадгорлик ишлари бажариладиган, махсус оёқларга ўрнатилган иш столидан иборат бўлиб, унда арралаш, рандалаш, ўйиш-тешиш, қисмларни бириктириш каби ишлар бажарилади. Столнинг асосий қисмлари бўйлама ва қўндаланг тискилардан, поналар ўрнатиш учун тешиклар очилган иш тахтаси ва асбоб-ускуналар қўйиш учун мосланган новдан иборат. Ҳар бир иш ўрнига тегишли

индивидуал асбоб-ускуналар, ёғоч материаллар, дастгоҳ новига хавфсизлик техникаси қоидаларига амал қилган ҳолда батартиб ўрнатилади. Дастарра, ранда, искана, болға каби асбобларнинг дасталари ишловчига қаратилиб терилади.

Индивидуал асбобларни деворга осилган махсус асбоблар токчасига ёки дастгоҳ оёқларини бириктирувчи бўйлама кашакларга таглик тахта ўрнатиб, унга териб қўйилиши мумкин.

Дастгоҳдан фойдаланиб арралашда арраланадиган тахта материалнинг узун-қисқалигига, энлик ёки энсизлигига қараб тилиш ва қирқиш турли ҳолларда олиб борилади.


Қиска ва енсиз ёғоч - тахталарни арралашда улар бўйлама тискига қистириб олинади.


Енлик тахталар иш тахтаси устидаги поналар орасига ўрнатиб тилинади. Бу ҳолда тахтанинг тилиб олинадиган қисми иш тахтасидан четга чиқариб ўрнанилади.

Узун ўлчамдаги тахта материаллар иш тахтаси устида қўзғалмас понага тираб арраланади. Тахталарни рандалашда уларнинг узун-қисқалигига қараб кўчириб олиб қўйиладиган поналар орасига ўрнатилади. Тахтани поналар орасига ўрнатишда бўйлама тискини кетинга қараб масофадан ортиқ сурмаслик керак.(1 -расм). Акс ҳолда суриш винти резбаси узилиб, тиски ишдан чиқиши мумкин. Агар рандаланадиган тахта поналар орасига сиғмаса, пона олдингиларга кўчириб ўрнатилади.

Энлик тахталарнинг чети (қирраси) кўндаланг тискига ўрнатилиб ранда-ланади.


Тахтанинг иккинчи учи ён поналар ёки махсус тиргаклар устига қўйилади.





Дурадгорлик дастгоҳи ва унинг ёрдарнида бажариладиган ишлар:

1-олдинги исканжа-(ён тиски); 2—иш тахтаси; 3-нов; 4-орқа исканжа- (бўйлама тиски); 5-асбоблар токчаси; /-поналар орасига ўрнатиб рандалаш; 7/,/Ф-олдинги исканжага қистириб рандалаш; ///-орқа исканжага қистириб тилиш.



Дурадгорлик дастгоҳи

Ўйиш-тешиш ишларини бажаришда тешиладиган тахта материал иш тахтаси устига поналар орасига ўрнатилиб, бўйлама тиски ёрдарнида қотириб қўйилади. Тешик очишда дастгоҳ иш тахтаси ўйилиб қолмаслиги мақсадида тешиладиган тахта остига еҳтиёт тахтаси ўрнатиб олиш тавсия етилади.

Еҳтиёт тахтачаси оддий ёки прессланган фанерадан тайёрланиб, унинг икки учига қарама-қарши томондан рейкачалар михланади. Еҳтиёт тахтачасидан фойдаианиб аррагалаб қирқиш ва ўйиш-тешиш ишлари олиб борилади. Еҳтиёт тахтачасидан фойдаианиб арралаб қирқиш ишларини олиб бориш бўйлама тискига қистириб арралашга қараганда анча қулай. Бу тахтани бўйлама тискига қистириб ўматиш ваундан бўшатиб олиш ишларидан ноли қилади. Еҳтиёт тахтачасидан фойдаианиб ўйиш-тешиш ишлари олиб борилганда верстакнинг иш тахтаси ўйилишдан сақланади. Натижада унинг сифати бузилмайди, хизмат муддати ортади.

Агарда еҳтиёт тахтачаси ўйилиб-тешилиб сифати бузиладиган боиса, уни янгилаб олиш муникин. Бунинг учун ортиқча материал ва меҳнат талаб этилмайди.

Дурадгорлик дастгоҳидан фойдаланишда ўқувчилар қийналмаслиги ва чарчаб қолмаслиги мақсадида иш ўрни (дастгоҳ)нинг баландлигини ўқувслиининг бўйбастига қараб мосланади. Дастгоҳ баландлигининг ўқувчи бўйига мослигини текширишда у қаддини букмаган ҳолда иккала қўлининг кафтини дастгоҳ иш тахтаси устига қўяди (2-расм). Бу ҳолда унинг қадди букилмасдан кафти иш тахтасига еца, иш ўрнининг баландлиги ўқувчининг бўйига мос ҳисобланади.

Учтехпром томонидан ишлаб члқарллаётган дурадгорлик дастгоҳларида уларни ўқувчиламнинг бўйига мослаб ишлов берадиган поғонали тагликлар бўлиб, улар ёрдамида, баландлиги ўзгартирилади. Поғонали тагликлар иш тахтасини баландликка кўтариш имконини бермаса, у ҳолда дастгоҳ оёқлари остига қўшимча қистирма ёғоч михланади. Агар поғонали тагликларни тушириш йўли билан дастгоҳнинг бўйини пасайтириш иложи бўлмаса, бундай ҳолларда ўқувчининг оёғи остига таглик тахта қўйиб берилади. Баландлиги турлича бўлган дастгоҳлар ўқув устахоналарида ўқитувчининг иш ўрнидан бошлаб тартиб билан кетма-кет ўрнатилади.


Дастгоҳлар жойлаштирилгач, номерланади, бир иш ўрнига тегишли индивидуал асбоб-ускуналар ҳам унга мослаб номерланади. Сўнгра гуруҳлардаги ўқувчилар бўй-бастига қараб иш ўринларига қатъий белгилаб қўйилади. Бу нарса дастгоҳларнинг, асбоб-ускуналарнинг бутунлигини таъминлашга, ишдан чиқишининг олдини олишга ёрдам беради, ўқувчиларнинг маъсулиятини оширади. Ўқувчиларнинг иш жойларини алмаштириб қўчиб юришларига, бошқа иш ўринларидаги асбоб-ускуналардан берухсат фойдаланишларига чек қўйилади ва бу билан айрим ҳолларда рўй берадиган хавфсизлик техникаси қоидалари бузилишининг олди олинади. Дурадгорлик дастгоҳларидан фойдаланишда унинг қисмларини арралаб, ўйиб қўймасликлари, унинг устида мих тўғриламасликлари, болта, теша каби асбоблар билан ёғоч материалларга ишлов бермасликлари ўқувчларга алоҳида уқтирилади. Мич тўғрилаш, ёғоч-тахталарни чопиш ишлари кунда устида ёки дастгоҳ, иш тахтаси устига ўрнатилган яроқсиз эҳтиёт-таглик тахта устида бажарилади.

Ўймакорликда ишлатиладиган исканалар ҳақида маълумот.

Ёғоч материаллардан турли хил буюмлар тайёрлашда уларнинг қисмлари кўпинча "тирноқ" чиқариш йўли билан бириктирилиб, бунда ўйиш-тешиш ишлари бажарилади. Бу мақсадда ҳар хил дурадгорлик исканаларидан фойдаланилади. Дурадгорлик исканалари вазифасига кўра *йўнувчи* ва *ўювчи* иска-наларга бўлинади. Йўнувчи исканалар ёрдамида йўниш йўли билан тахталарнинг четларига фаска чиқарилади, тирноқлар ростланади, тешик, уялар йўниб кенгайтирилади. Шунингдек, юмшоқ, ва юпқа тахталар ўйиб тешилади. Қалин ва қаттиқ ёғочларни ўйиш-тешиш ишлари ҳамма вақт ўювчи исканалар ёрдамида бажарилади.

Йўнувчи исканалар юпқа, ўювчи исканалар қалин бўлади. Бундан қатъий назар, уларнинг-ени ҳар хил ўлчамда тайёрланади. Йўнувчи исканаларнинг ени 4 мм дан 40 мм гача, ўювчи исканаларнинг ени 6 мм дан 20 мм гача бўлади.

Ўйиш-тешиш ишларида кулоқ, уя ва тешикларнинг кенглигига қараб унга мос исканалар танланади. Тешик енидан катта искана ишлатишга нихсат етилмайди. Кичик ўлчамдаги исканалар билан еса катта тешик ва уяларни очиш ҳ мумки Ёғоч ахталарни йўниш, ўйиш-тешишда



нов шаклидаги исканалар ҳам ишлатилади. Улар ёрдамида цилиндрик тешик ва уялар ўйиш, сиртларда нов очиш ишлари бажарилади. Нов шаклидаги исканалар ҳар хил ўлчамда тайёрланади.



8-расм. Токарлик исканалари:

a - йўнувчи (Рееер), *б* - кирқувчи (майзел)

Исканалар бир томондан чархланади. Йўнувчи исканаларнинг ўткирлик (чархлаш) бурчаги $18-25^{\circ}$, ўвувчи исканаларнинг ўткирлик бурчаги $25-35^{\circ}$ атрофида бўлади.

Исканаларнинг дасталари заранг, қора қайин, қайрағоч, ёнғоқ каби пишиқ ёғочлардан тайёрланиб, учига металл ҳалқа кийдирилади. Ҳал-қалар исканага болға билан уришда дастани ёрилишдан сақлайди. Исканалар ёғоч тўқмоқ билан урилади. Искана дасталари пластмассадан ҳам тайёрланади.

Ёғоч дасталарга қараганда пластмассадан тайёрланган дасталар пухта бўлади, болға уришда ёрилмайди, сифати бузилмайди. Шунинг учун искана дасталарининг пластмассадан ясалгани маъқул. Исканаларнинг дасталари токарлик-винтқирқиш станокларида осон тайёрланади.

Ўйиш-тешиш дурадгорлик дастгоҳи устида олиб борилади. Шунинг учун тешик очиш вақтида искана ёғочни кўчириб чиқармаслиги ва дастгоҳни ўйиб юбормаслигининг олдини олиш учун, ўйиладиган тахта остига еҳтиёт тахтаси қўйилади.

Хулоса.

Мавжуд таълим–тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини барпо этиш, келажак учун баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялаш
Узбекистон Республикаси Президентининг таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисидаги фармони ва "Таълим тўғрисида" ги қонун ва кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурнинг негизини ташкил қилади.

Шундай экан, биз келажаги буюк, ҳар томонлама ривожланган, баркамол, ақлли, мохир устозлар йўлларини давом эттирадиган, санъатга меҳр куйган комил инсонларни тарбиялашдек маъсулияти уз зиммамизга олаёلمиз. Битирув малакавий ишимнинг воситаси орқали амалий санъат тилини ўрганиш гўзалликни ўқиш, амалий санъатдаги маънавий оламига кира олиш, **халқ амалий безак санъатида** миллийлик ва замонавийликни уйғунлаштиришни уз олдимга асосий мақсад қилиб қўйдим.

Халқ амалий безак санъати кишиларнинг маънавий оламини бойитади, бадиий дидини шакллантиради, руҳиятини тарбиялайди. Шунинг учун ҳам ўзбек халқ амалий санъати кишиларни бадиий, ахлоқий, умум инсоний тарбиялаб, уларнинг илмий дунёқарашларини шакллантиришда ҳамда маданий даражасини юксалтиришда энг зарур манбалардан бири ҳисобланади. Моҳир усталар томонидан ясалган бадиий ёғоч ўймакорлиги буюмлари ва уларнинг беағи ҳамиша ўрганилиб узига хос илҳом манбаи бўлиб келган. Юксак дид билан ишланган нақшлар ва буюмлар ёғоч ўймакорлигига бўлган қизиқишини, фикрлаш қобилиятларини янада оширган. Ақлий заковат, муруват, руҳий, маънавий камолот, инсофу диёнат, меҳр-оқибатлилик фазилатларини ёшларимизда санъатшунос педагогларимиз зиммасига юкланади. Гўзалликни ҳис қила олишни ривожлантириш, юқори эстетик дидни шакллантириш, санъат асарларини, тарихий ва меъморлик ёдгорликларини, она табиат гўзалликларини, бойлигини тушуниш ва

кадрларни шакллантириш мақсади амалий санъат ўқитувчиларини тайёрлашнинг таркибий қисми ҳисобланади. Бадиий ёғоч уймакорлиги Санъати асарларини тушуниш ва қадрига етишни ўргатиш, меҳнатга ҳурмат ва муҳаббатни тарбиялаш, меҳнат кўникмаларини эгаллашда ёрдам бериш каби малакаларни шакллантириш масалаларини урганиш, бадиий ёғоч уймакорлиги намунаси миллий курсини яратишдаги инновацион таълимга асосланган ташкилий ишларнинг таъсирчанлигини оширишда янги воситалар, янги композицион ечимларни топишни битирув малакавий иш лойиҳамнинг асосий вазифаси деб белгилаганман. Ана шу борадаги изланишларим амалий санъат таълим тизимида муваффақиятли қўлланаётган «Устоз - шогирд» анъаналарининг назарий асосларни такомиллаштириш, янги таълим воситалари орқали ҳамкорликда ишлашни ривожлантириш муаммоларининг ечимини топишга қаратилганди. Уйлайманки узим учун белгилаган мақсад ва вазифаларимни қисман булса ҳам уйдасидан чиқдим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси материалларидан. 1997 йил 29 август II - чақириқ IX - сессияси материаллари.

Т.: «Халқ сўзи» газетаси. 1997 йил 30 август, 181-сон.

2. «Халқ бадий хунармандчилик ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб - қувватлаш чоратадбирлари тўғрисида».

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. - Т.: «Тошкент оқшоми» газетаси. 1997 йил, 2 апрел, 38-сон.

3. Абдурахмонов Х, Маҳмудов Н. ва Шукуров Р.

Маданий оқартирув ходимлари учун қисқача изоҳли лугат.

«Ўқитувчи» нашриёти, 1983.

4. Абдуллаев Т.” XIX-XX асрларда ўзбек қандакорлиги.”

Т.: «Фан» нашриёти 1974.

5. Абдуқодиров А. «Обидалар жилваси».

Т.: «Ўзбекистон», 1972 йил, 64-б.

6. Авидова Н. А. «Тошкент ўймакорлиги».

Ўзбекистон Давлат Бадий адабиёти нашриёти 1961 йил, 88-б.

7. Авидова Н. А. «Паргорий».

Государственное издательство художественной литературы. 1958 год.

8. Азимов И. «Фарғона водийсининг архитектура ёдгорликлари».

Т.: «Ўзбекистон» 1986 йил.

9. Азимов И. “Ўзбекистон нақшу нигорлари.”

Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти 1987 йил, 144-б.

10. Апухтин О. К. «Бадийй нақш мактаби».

Т.: «Ўқитувчи», 1969 йил.

11. Боситхонов З. «Ганчкорлик санъати».

Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

12. П. Ш. Захидов. «Ферганская роспись».

Т.: Государственное издательство художественной литературы. 1960 год.

13. А. С. Морозова. «Хивинский узор». - Т.: Государственное издательство художественной литературы. 1957 год.

14. Баратов Ч. «Моҳир қўллар учун 200 иш».

Т.: «Ўқитувчи». 1967 йил, 278-б.

15. Булатов С. «Ўзбек халқ амалий безак санъати»

Т.: «Меҳнат».1991 йил 384-б.